

Qonunlar ijrosini ta'minlash, mamlakatda qabul qilingan va amalda bo'lgan me'yoriy hujjatlarni hayotga joriy qilishda davlat hokimiyat organlari faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini kuchaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Biz "Adolat - qonun ustuvorligida" degan hayotiy tamoyilga qat'iy amal qilib yashashimiz zarur.

Islom KARIMOV

Xorazm viloyati bolalar kutubxonasi tashabbusi bilan "Kasbim mening - faxrim mening" ko'rik-tanlovi o'tkazildi. Viloyatning barcha tumanlaridan 19 yoshdan 35 yoshgacha bo'lgan kutubxonachilar ishtirok etgan tanlovda Bog'ot tumani "Bolalar kutubxonasi" xodimi Nafosat Davletova g'oliblikni qo'lga kiritdi.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ўзбекистон деб аталмиш хур дийр, озода мамлакат, мустақил давлатга асос солинганига 11 йил тўлди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги бош майдон - Мустақиллик майдонидан 31 август оқшомида энг улуг, энг азиз айёмимиз тантаналари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов байрам тантанаси қатнашчиларини, бутун Ўзбекистон халқини истиқлолимизнинг 11 йиллиги муносабати билан муборакбод этди.

"Албатта, ўн бир йил мамлакатимизнинг кўхна ва буюк, кўп мингйиллик тарихида бир зум, бир дақиқа, десак, асло муболага бўлмайди.

Лекин ўн бир йил олдин Ватанимиз тарихининг туб бурилиш нуқтасида, ўта таҳликали ва ўта хавфли кунларда биз яққою ягона тўғри йўлни танлаганимизни бугун ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Мен ишонманам - асрлар, замонлар ўтади, юртимизда янги авлодлар дунёга келади, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг азал-азал орзу-умидларини рўёбга чиқарган, тараққиётимизнинг чексиз имконият ва истиқболларини очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолади".

Дарҳақиқат, Юртбошимиз айтганидек, ушбу кун давлатимиз тарихидаги энг шонли ҳамда буюк келажакка асос солган кундир. Шу сабаб, Мустақиллик майдонидан бошланган тантаналар, байрам шуқури истиқлол руҳи янгилик мамлакатимиз узра ёйилиб, сарҳадлар ошиб, халқимиз қалбига сингиб бораётир.

Истиқлол руҳи, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ

Қатагон қурбонларини ёд этиш кўни муносабати билан узок йиллар давомида бирор-бир киши эслашга ҳам журъат этмаган, сал бўлмаса унутилган юртининг асл фарзандлари номи бугун яна хотирамизда қайта тикланди. Бу борада катор тadbирлар амалга оширилди. Ана шу эзгу тadbирлар сирасига Қатагон қурбонлари хотираси музейининг очилишини ҳам киритишимиз мумкин.

Бу музей шахсан Президентимиз ташаббуслари билан қуриб битказилди.

31 август - Қатагон қурбонларини ёд этиш кўни муносабати билан Юртбошимиз Шахидлар хотираси ёдгорлиги мажмуига ташриф буюрди. Қатагон қурбонлари музейини кўздан кечирар экан жумладан шундай деди:

— Мустақилликнинг сийқаси халқларни ҳар доим жабру ситам,

эзилмиш ва камситишларга дучор қилади. Халқимиз ҳам неча йиллар давомида бирор-бир киши эслашга ҳам журъат этмаган, сал бўлмаса унутилган юртининг асл фарзандлар қурбон бўлди. Уз тарихини хурмат қилган халқ миллат, аждодлар ёдини доимо кутлуг билиб, хотирасини эъзозлаб яшайди.

Музейда бўлган киши мустақил тазуум қатағони фақат зиёиларни эмас, оддий деҳқону чорвадор, ишчи хизматчи, боринки, жамиятнинг барча табақалари вакиллари ўз домига тортганига гувоҳ бўлади.

Хотира мажмуасига ташриф буюрган одам бу ерда миллат хотираси муқассам бўлганига амин бўлади. Буларнинг барчаси юрт, миллат учун шахид бўлган ҳар бир ватандошимизни унутмаслигимиздан далolat беради.

"АМЕРИКАГА ТАШРИФ" КИТОБИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон ва Америка дунёнинг икки қитъасида жойлашган давлатлардир. Бу икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг яхши томонига илдиз отаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Маълумки, Президент Ислам Каримов шу йилнинг 11—14 март кунлари Америка Қўшма Штатларига расмий ташриф буюрган эди. Бу иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тадрижий бир давоми бўлиб, мақсад, Ўзбекистоннинг океан ортидаги давлат билан янада яқинлашувини таъминлашдан иборат эди.

Юртбошимизнинг Америкага ташрифи бир неча кунлик бўлса-да, тафсилотларга бой, мазмунли ва шу жиҳати билан ҳам аҳамиятга молик эди. "Ўзбекистон" нашриёти томонидан ўзбек ва рус тилларида чоп қилинган "Америкага ташриф — Визит в Америку" китоби Президентимизнинг ана шу давлатга қилган сафарини ўзида батафсил акс эттиради.

Китобни ўқир экансиз, ундаги оддий, самимий жумлалар, сиёсий ва кўтаришни руҳ сизни ўзига ром этади. Президентимиз унда таъкидлайди: "Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифимиз давомида кўрганларимиз, бизга бўлган муносабатлардан келиб чиқадиган хулосаларни халқимизга етказар эканман, мен яна бир бор айтмоқчиман, бизлар жуда мураккаб бир даврда яшашамиз. Лекин келажакимиз ёру. Халқимиз бунга ишонши керак ва бир ёқадан бош чиқариб, бир тан, бир зум бўлиб яшашимиз, меҳнат қилишимиз керак".

"ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК"

Шу ном билан Президент Ислам Каримов асарларининг ўнинчи жилди чоп қилинди. Ундан муаллифнинг 2001 йил майдан 2002 йил июлигача бўлган даврдаги Олий Мажлис сессияларида қилган маърузалари, Вазирлар Маҳкамаси йил-йилларида, халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари сессиялари, шунингдек, турли халқаро ва нуфузли анжуманлардаги нутқлари ўрин олган.



ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

2 сентябрь кун Республикаимизнинг барча умумтаълим муассасаларида "Биринчи кўнғироқ" тadbирлари бўлиб ўтди. 1-синфга борган болаларимиз учун эса байрам қўшалок келди — уларга Президент совгалари топширилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 11 йил тўлган ёруғ кунларда 2 сентябрь ҳам байрамона кайфият, бир қадар ҳаяжон билан кутиб олинди. Шу кунни мамлакатимизнинг турли вилоят ва туман мактабларида биринчи кўнғироқ садолари янгради. Езги таътилдан қайтган ўқувчилар жонажон мактаблари, меҳрибон устозлари бағрига, жажжигина қўлларини маҳкам ушлаганича боласидан-ота-оналар анвойи гушлар билан мактаб томон ошиқдилар. Биз ана шу ҳаяжон ва байрам тантаналари кунлари болажон-

лар қувончига шерик бўлдик. Пойтахтимизнинг барча туман мактаблари, жумладан, С.Раҳимов туманидаги 23-мактаб шу кунни илм эгаллаш, келгусидаги билимларга пойдевор хозирлаш учун даргоҳга дастлаб қадам қўйган ўқувчилар, ота-оналар билан гаҳуви бўлди. Мазкур тadbирда Халқ таълими вазирлиги ходимлари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқувчилари ўқувчилар иштирокида Президентимиз томонидан ҳар йили тақдим этиладиган совгалар ўқувчиларга тантанали равишда топширилди.

(Давоми 2-бетда)

МИЛЛАТ РАВНАҚИ ТАЪЛИМДАН БОШЛАНАДИ

— Бундай олиб қараганда, 11 йил тарих учун сониядек гап. Бироқ шу қисқа фурсат давомида мамлакатимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мисолни таълим тизимидан оладиган бўлсак, ўтган ўн бир йилда 2000 дан зиёд, аниқ айтиладиган бўлсак 2244 та 848 минг 398 ўқувчи ўрнига мўлжалланган умумтаълим мактаби қуриб битказилди. Шу рақамнинг ўзиниёқ атрафимиздаги мамлакатлар билан солиштирганда жуда юқорилигини кўрсатади. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан кейинги ўзгаришларни эса бугун барча кўриб турибди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ишлаб чиқилган ушбу дастур бугун бутун дунёда таълимнинг "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилмоқда. Навбатдаги иккинчи босқичи изчил амалга оширилётган мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб

бериладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Хуж-жаратда узлуқсиз таълим тизими тараққиётининг стратегик йўналиши, унинг таркиби ва муоляти илмий асосланган ва аниқ белгилаб берилган. Бу борадаги барча ўзгаришлар, аввало, инсон, шахс камолоти-га, жамиятда унинг маънавий кучайтиришга йўналтирилган. Ана шу талабларни ўзида мужассам этган давлат таълим стандартлари, уларга асосланган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Бугун эса дарсликларнинг янги авлоди яратилмоқда. Шу билан бирга, "Ватан туйғуси", "Миллий истиқ-

қол гоёси ва маънавий асослари", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш", "Одобнома" каби янги фанлар ўқув дастурига киритилиб, дарсликлар яратилдики, булар ҳам юқорида таъкидланган сифатларнинг ўқувчиларда шаклланишида муҳим ўрин тутди.

— Таълимдаги ислохотлар тизимнинг ажралмас қисми бўлмиш мактабга-ча таълим бўғинида қай тарзда ўз аксини топаётми?

— Мактабгача таълим фалиятини ислохотларга мос тарзда тубдан ўзгарди. Соҳа муассасаларининг меъёрий

(Давоми 2-бетда)

Yurtimiz mustaqilligining 11 yilligiga

Мустақиллик йилларида кадрятларимизни тиклаш, таълим-тарбия тизимини таҳомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, ўқитиш жараёнини давр талаби билан ўйналлаштириш асосида ҳаёжон андозалари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун таълим соҳасида туб ўзгаришларни бошлаб берди.

SUDLAR TARKIBIDA O'ZGARISH O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining qaroriga ko'ra Bo'ritosh Mustafayev O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining raisi etib tayinlandi. Xoliqov O'ktam Xolmirzayevich O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining sudyasi etib saylandi. Yesemuratov Izbasar Aitjanovich O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudining sudyasi etib saylandi.

SAMIMIY QUTLOVLAR O'zbekiston mustaqilligining 11 yilligi munosabati bilan Prezident Islom Karimov nomiga Amerika Qo'shma Shtatlari prezidenti Jorj Bush, Yaponiya imperatori Akixito, Niderlandiya qirolichasi Beatriks va boshqa ko'plab davlat rahbarlaridan samimiy qutovlar keldi. ISHONCH YORLIQLARI TOPSHIRILDI O'zbekiston Respublikasining Respublikasidagi favqulodda va muxtor elchisi Qobiljon Nazarov Rigada Latviya prezidenti Vayre Vike - Freybergga ishonch yorliqlarini topshirdi. Uchrashuvda mamlakatimiz o'rtasidagi hamkorlikni yanada chuqurlashtirish zarurati qayd etildi.

Mustaқillik байрами шодиёналари ўқувчи ёшлар қалбини завқу шавққа тўлдирган ҳаяжонли куннинг эртасига кўплаб бухоролик ўқувчилар бир дунё қувонч ила қадрдон мактаблари томон йўл олдилар. Айниқса, янги ўқув йилида Бухоро туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактаби педагоглари ва ўқувчиларнинг қувончлари чексиз. Улар умр бўйи бу кунни ёдда сақласалар керак. Нега деганда саховатпеша ҳомийлар кўмагида қад ростилаган 570 ўринли янги илм маскани айни шу кун ишроф бўлди. Мактабнинг симида Мах-маж-лис депутати С.Хусенов иштирок этди. Эрта тонгданок вилоятдаги 530 та умумтаълим мактабларида бошланган янги ўқув йили шодиёналари кечга қадар шоду хуррамлик билан давом этди. 2002-2003 ўқув йилида Вилоят халқ таълими илм масканларида 335 минг ёшлар таълим-тарбия оладилар. Биринчи синфга қабул қилинган 31767 нафар ўқувчи 12 турдаги ўқув қуролларидан иборат Президентимизнинг махсус совгалари ҳамда 17 номдаги 285175 нусхадаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари берилди. Шу кун мураббийлар сафига келиб қўшилган 850 нафар ёш мутахассислар қувончини бир-гина сўз билан ифодалаш қийин. Усмон НАВРЎЗ, журналист

MOSKVA GA BORISH SHARTMAS Andijon davlat tibbiyot instituti kafedra mudiri Azizbek Ikromovning sa'y-harakatlari bilan Andijonda Moskvadagi akademik S.Fedorov nomidagi "Ko'z mikroxiirurgiyasi" tarmoqlararo ilmiy texnik majmuaning tashxis qo'yuvchi va davolovchi, katarakta, glaukoma ko'z qiyshiq-ligi kabi kasalliklarni jarrohlik yo'li bilan muolaja qiluvchi filiali ish boshladi. HOZIRCHA CHEMPION CHIQMADI Germaniyaning Magdeburg shahri yaqinidagi Shtrohek qishlog'ini "Shaxmat qishlog'i" deb ham atashadi. Qishloq ahli - shaxmatga shu darajada qiziqadiki, hatto, maktabda fizika, biologiya, matematika kabi fanlar qatorida shaxmat darslari ham o'tiladi. Biroq, bu yerdan hozircha chempion chiqmadi.

100 YIL OLDIN... Bu yil O'zbekistonda avtomobillar harakatlana boshlaganiga yuz yil to'ldi. O'tgan asr boshlarida dunyoda hammasi bo'lib 7100 dona avtomobil bor bo'lib, ular soatiga 12-20 km.gacha tezlikda harakatlana olgan. Turkistonda shaharlarda avtobus qatnovi Moskva va Sankt-Peterburgdan avvalroq yo'lga qo'yilgan edi. ENG YAXSHI O'QUV YURTI Bu yil Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universitetiga 2002-2003 yillar uchun o'tkazilgan qabul jarayonida o'n bir mingdan ziyod hujjat topshirilib eng yuqori ko'rsatkich qayd etildi. Abituriyentlar orasidan eng munosiblari, to'g'rirog'i, uch ming besh yuz nafardan ziyodi talaba, degan nomga sazovor bo'ldi. Shuni aytish kerakki, universitet o'tgan yil yakunlariga ko'ra respublikamizdagi eng yaxshi o'quv yurtlaridan deb topildi.



O'qutuvchi yon daftariga

Агар ўтган йили давлат бюджетни ҳисобидан мактаб кутубхона фонди ўзига 1 миллиард 923 миллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда бу рақам 6 миллиард 520 миллион сўмни ташкил этди.

Истеъодлар улғайгани сайин улар мактаб, маҳалла, эл-юрт фахрига айлана борадилар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

лик ҳисобида қисқа муддатли гуруҳларда, мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳларида, саводхонлик ва бошқа турдаги марказларда амалга оширилмоқда. Бундай тайёрларлик билан қамраб олинган фарзандларимиз 84 фоизни ташкил этади. Қолган мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш оилаларда амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлариغا кўра беш мингта қўшни мактабгача таълим муассасаси халқ таълими тизими тасарруфига ўтказилди, ўнлаб боғчалар хусусийлаштирилди. Ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари (мактабгача таълим - бошланғич таълим мажмуалари, хонадон-боғчалар, "Соғлом авлод марказлари" ва ҳоказо) тармоғи ҳам йилдан йилга кўпаймоқда.

— Дарсликларнинг янги авлодини яратиш ва ўқувчиларни таъминлаш доимий долзарб масалалардан бири. Бу жараён қандай кечмоқда?

— Таъкидланганидек, миллий дастурга мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари учун Давлат таълим стандартлари яратилиб, янги ўқув дастурлари билан бирга таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этилмоқда. Янги дарсликларимиз замон талаблари, янгиликлари инobatга олиниб ёзилмоқда. Бу ишда танлов эълон қилганимиз, аввало, нашриётлар ва муаллифлар ўртасида рақобатни келтириб чиқарди.

Бир дарслик бўйича уч-тўрт кўпма келиб тушди. Натижада дарсликларнинг мазмунини, полиграфик сифатини яхшилашди, уларнинг нархи арзонлашди, муаллифларга бериладиган қалам ҳақи кўтарилди. Табиийки, дарслик ёзишга қизиқиш ортди. Кейинги икки йил давомида "Алифбе", "Математика" (бошланғич синфлар), "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" (8-синф) дарсликларининг электрон намуналари яратилди. Вазирлик томонидан дарсликлар билан таъминлашнинг янги усуллари ус-

бозордан бир вақтда топиш қийин, ижара тизимида эса дарсликлар мактаб томонида берилди. Учинчидан, синфдаги ўқувчиларнинг барчасини тўлиқ дарслик билан таъминлаш имкони яратилди. Тўртинчидан, мактаб кутубхона жамғармаси шакллантирилади ва бойитиб борилади.

Мазкур тизим 2001-2002 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманидаги мактабларда, яъни 14 та тумандаги 575 та мактабда таъриба-синовдан муваффақи-

қарайди. Биргина мисолнинг ўзи буни яққол исботлайди. Агар ўтган йили давлат бюджетни ҳисобидан мактаб кутубхона фонди учун 1 миллиард 923 миллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда бу рақам 6 миллиард 520 миллион сўмни ташкил этди.

— Таълимдаги ислохотлар илм масканларининг моддий-техникавий базасини мустақамлашнинг ҳам кўзда тутади. Шу ўринда янги мактаб биноларининг барпо этилиши, эскирганларнинг таъмирланиши хусусида ба-

Ушбу режа босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Албатта, бу ишда вилоят ҳокимликларининг эътибори зарур. Жиззах вилояти мисолидаги таҳлилимиз, яқинда бўлиб ўтган вазирлик сайёр ҳайъати ва вилоят ҳокимлигининг қўшма йиғилишида қилинган ҳулосалар фикримизга далилдир.

Таълим муассасаларини сифатли, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув меболавлари билан таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда "Ўқувчилар столи ва

лум. Бугунги мактаб ўқитувчисининг билим савияси замон талаби даражасида бўлмоғи керак. Шу хусусидаги фикрини билмоқчи эдик.

— Дарҳақиқат, ёш авлоднинг таълим-тарбиясида ўқитувчининг маъсулияти катта. Ислохотлар талабига мос дарс бериш учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими янгилашни давр тақозо этди. Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги томонидан бу йўналишда муайян тадбирлар амалга оширилди.

тарбиячилар қайта тайёрланди. Аммо мазкур йўналишда йиллар давомида тўпланган муаммолар ечимини топиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами жуда ҳам кенг бўлиб, вазирлик ўзининг аниқ дастурини ишлаб чиққан. Жумладан, Осийё тарққийёт банки билан ҳамкорлик лойиҳаси доирасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ислохот қилинади. Умумтаълим мактабларининг 250 миң ўқувчиси интерфол методлар асосида қайта тайёрланади, мамлакатимизнинг ҳамма

— Хар йили республика бўйича 600 миң нафардан зиёд ўғил-қиз биринчи синфга боради. Демакки, ҳар йили шунча болага Президентимиз совғаси сифатида ўқув куроллари, дарсликлар бепул берилди. Бу давлатимиз раҳбарининг ўсиб келаётган ёш авлодга ғам-хўрлигининг яна бир ёрқин намунасидир. Ушбу маъсулиятли ва муҳим жараёнга янги ўқув йили бошланишидан анча илгари пухта тайёрларлик кўрилади.

Янги ўқув йили арасида юртимиздаги барча 1-синф ўқувчиларига маҳаллий ҳокимлик, халқ таълими ходимлари, ота-оналар иштирокида Президент совғалари топширилади.

Кўриб турганингиздек, халқ таълимини тубдан ислохот этиш, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўлида барча имкониятлар ишга солиниб, давлат томонидан бу эзгу юмушга катта куч, маблағ сарфланмоқда.

Лекин иқтисод, сиёсат, маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харajatлар назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харajatни оқлаши мумкин. Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти, халқимизнинг ақл-заковати юксак. Халқ таълими соҳасининг ходимлари эл-юртимизнинг фаровон ва бахтли келажиги учун ҳисса қўшувчи долзарб вазифани муваффақиятли бажариш йўлида бор куч-гайратини аямайдилар.

ЎА мухбири Назоқат УСМОНОВА сўхбатлашди.

МИЛЛАТ РАВНАҚИ ТАЪЛИМДАН БОШЛАНАДИ

тида мунтазам изланишлар олиб боришмоқда. Британиа кенгаши билан ҳамкорликда Осийё тарққийёт банки лойиҳаси доирасида дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Унинг афзалликлари нималардан иборат? Биринчидан, оилалар, айниқса, кам таъминланган оилалар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланади. Ота-оналар дарсликлар нарҳининг тўртдан бирини тўлаб уларни фарзандлари учун бир йилга ижарага оладилар. Иккинчидан, дарсликларнинг ҳаммасини

ятли ўтди. Янги ўқув йилида республикамиздаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган барча мактаблар 9-синф ўқувчиларининг 72 фоизи 10 номдаги дарслик билан, Қорақалпоғистон Республикасида таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар 9-синф ўқувчиларининг юз фоизи шунча номдаги дарслик билан ижара усулида таъминланади. Умуман олганда таъкидлаш жоизки, фарзандларимизни сифатли дарсликлар билан таъминлашга мамлакатимиз ҳукумати ва вазирлик устувор йўналиш сифатида

жарилатган ишлар кўлами ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ватанимиз мустақилликка эришган 1991 йилда 1016 мактаб авария ҳолатида, 3997 мактаб мослаштирилган биноларга жойлаштирилгани расмий равишда таъкидланади. Умуман олганда таъкидлаш жоизки, фарзандларимизни сифатли дарсликлар билан таъминлашга мамлакатимиз ҳукумати ва вазирлик устувор йўналиш сифатида

стули (комплект), парта ҳамда синф доскасига қўйилган талаблар" ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Умумий ўрта таълим мактабларини мазкур ишлаб чиқилган меъерий ҳужжатга мос, сифатли меболавлар билан таъминлаш мақсадида тендер савдолари ўтказилмоқда. Ҳозирги пайтда умумий ўрта таълим муассасаси (9-йиллик) замонавий биноси лойиҳаларини тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

— Ёш авлодга пухта билим беришда асосий маъсулият ўқитувчининг зиммасида эканлиги маъ-

Махсус курсларда барча ўқитувчилар умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари, лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича қайта тайёрларлик ўтказилди. Чунки 2002-2003 ўқув йилида 9-синфда, яъни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш тўлалигича янги алифбода олиб борилади. Қолаверса, ўқув режасига янги ўқув фанларнинг ("Ватан тўйғуси", "Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари" ва бошқалар) киритилиши муносабати билан юртимиздаги муайян предмет ўқитувчилари ва

худудларида (асосан қишлоқда) энг замонавий техника воситалар билан жиҳозланган 85 та масофадан ўқитиш марказлари барпо этилади, ўқитувчиларимиз ривожланган давлатларнинг нуфузли марказларида қайта тайёрларликдан ўтадилар.

— Мана бир неча йилдирки, илк бор 1-синфга келган ўқувчиларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига Президентимиз совғалари топширилиши яхши аънамага айлиб қолган. Бу йилги ана шу эзгу юмушнинг кўлами қандай?

Юртимизда аънамага айланган тадбирларимиз кўпайиб бораётгани кўзга ташаббус билан 1997 йилдан буён 1-синф ўқувчиларига бепул ўқув куроллари, кам таъминланган оилалар ўқувчиларига қишки кийим-бош тўпла-

мамлакатимиз бўйича 632202 нафар болаларимиз 1-синфга қадам қўймоқда. Президентимиз Фармонига кўра, шу болалар ҳам зарурий ўқув куроллари (ўқувчи сумкаси, рангли қоғоз, дафтларлар, рўчка, оддий ва рангли қаламлар, акварель бўёғи, расм дафт-

ми олади. Булар 4 миллиард 624 миллион 938650 сўмни ташкил этади.

Асосийси, бизда ўқув куроллари ва кийим-кечакларнинг ўқувчилар кўлларида аниқ этиб боришни назорат қилиш тартиби ишлаб чиқилди. "Таълим-савдо" бош бошқарма-

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ота-оналар қўмитаси ва мактаб педагогика кенгаши мажлиси байномасидан кўчирма— кийим-бош бериш ўқувчилар асос ҳисобланади. Унга мувофиқ сон ва сўм инфо-расида бўномлар номи кўрсатилган ҳолда ўқувчилар рўйхати тузилади. Болаларнинг исм-фамилиялари қарши-сига ота-оналар ёки қариндошлар имзо чекадилар, шундан кейин ушбу ҳужжат ҳисобот учун ҳисобхонага топширилади.

Ўқувчиларга қишки кийим-бош тўпламини топширишни ота-оналар қўмиталари ва халқ таълими муассасалари вакиллари амалга оширишлари. Қисқаси, кийим-бош, пойабзаллар сотиб олиш учун ажратилган бюджет маблағларининг тўғри сарфланишини назорат қилиш республика Халқ таълими вазирлигига, ўқувчилар сонини аниқлашнинг ишончлилиги ва кийим-бош беришнинг тўғрилиги учун жавобдорлик— ота-оналар қўмиталарига, халқ таълими бўлимига ва маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган.

Баҳодир ҲАМИДОВ, ХТВ "Таълим-савдо" бош бошқармаси бошлиғи

ИСТИҚЛОЛ КЎНФИРОҒИ МУДОМ ЖАРАНГДА

2 сентябрь — Билимлар кuni. Бу кун жарангдор кўнғироқ сабаблари остида мамлакатимизнинг барча ёшлари таълим муассасалари сари отландилар. Ҳали уларнинг қалбини энг улуг, энг азиз байрамимиз кайфияти тарқ

этгани йўқ. Ҳаяжондан энтикан ёшлар дилини ўқиш ва изланиш иштиёқи эгалламоқда, қолаверса, қадрдон даргоҳ тафти ҳам ўз бағрига уларни шу мақсадда чорламоқда.

ҲАМ ДАРСЛИКЛАР, ҲАМ КИЙИМ-БОШ

ЎҚУВЧИЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТАРИҚАСИДА БЕРИЛДИ

ми совга тариқасида берилаетир. Ўтган вақт мобайнида 3 миллион 885348 нафар 1-синф ўқувчиларига ўқув куроллари ва 2 миллион 176595 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига иссиқ кийим-бош етказиб берилди. Албатта, 2002—2003 ўқув йилида 1-синфга борадиган жажжи фарзандларимиз қандай совгаларни оладилар, деган табиий бир савол туғилиши мумкин. Сирасини айтганда, бу йил

тари, қаламдон, пластлин, елим ва учирғичлар), кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари эса иссиқ кийим-бош билан таъминланадилар. Янги ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларига мансуб бошланғич синфлар ўқувчилари билан бир қаторда, юқори синфларнинг кам таъминланган оилаларига мансуб 431029 нафар ўқувчилари ҳам бепул кийим-бош тўпла-

си ўқув куролларини ва сотиб олинган кийим-бош, пойабзалларни тасдиқланган тақсимота мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида ва барча вилоятлар бошқармаларига жўнатди. Улар ўз навбатида туман(шаҳар) халқ таълими бўлиmlари бюрютмаларига мувофиқ жойларга етказилди. 2 сентябрь кuni "Биринчи кўнғироқ" тадбирларида Президент совғалари болаларига ҳаёда этилди.

БАЙРАМ ШУКУҒИ ДАРСЛАРГА КЎЧДИ

Чирчиқ сановат-иқтисодиёт коллежи (индустриал техникуми) жамоаси ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллик байрами ҳамда янги ўқув йилининг бошланишини эур қувончу шодоналар билан қутиб олди. Яқиндагина ички имкониятлар эвазига таъмирдан чиққан ўқув биноси ҳамда турли хил гулларга бурканган илм даргоҳи ҳовлисида 2 сентябрь кuni эрта тондан янраган карнай-сурнай овози ён-атрофда истиқомат қилаётган аҳоли диққатини ўзига жалб этди.

Шу кuni коллеж талабалари ўз гуруҳлари бўйича саф тортишган, Давлатимиз Мадҳияси ижро этилиб, Ўзбекистон байроғи тантанали равишда кўтарилди. Илм даргоҳи раҳбари, тажрибали педагог Замира Шомадиева, Чирчиқ шаҳар ҳокими муовини Муассар Ибрагимовалар сўзга чиқиб, ташриф буюрган меҳмонларни, коллежининг барча педагоглари, муҳандис-педагоглари ҳамда талабаларини Мустақиллик аййми ва янги ўқув йилининг бошланиши билан самимий табриқладилар.

Тадбирда Қарияларни кадрлар йили муносабати билан бир гуруҳ кекса ўқитувчиларга совға-саломлар, педагогик фаолиятининг 25, 30, 40 йиллини ёшлар таълим-тарбияси ишига бахшида этган устозлардан етти нафарига эса алоҳида миннатдорчилик изор қилиниб, эсдалик совғалари топширилди.

Бу йил умумий ўрта мактабнинг 9-синфини битириб, коллежининг биринчи курсига қабул қилинган 370 нафар талаба "Коллеж талабаси" қасамедини тантанали равишда қабул қилди.

Mustaqillik sururi

Нурлан УСМОНОВ ҲУЖАТЛА ФИЛЬМ САБОҒИ

Шу кuni эрталаб соат 8.00 даноқ пойтахтимиздаги 1-Тошкент педагогика коллежи талабалар билан гавжум бўлди. Билим маскани ҳовлисида қўшалоқ байрам руҳи кеэиб юрарди. Заллар, хоналар, кўйинки, бутун атроф ёшларни изланиш ва интилоқ сари чорловчи широрлар

Уни таълим муассасаси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, педагогика фанлари номзоди Минаввар Исмоилова очиб, йилгилан барча ота-оналар ва устозлару талабаларни мустақиллигимизнинг 11 йиллиги ҳамда билимлар кuni муносабати билан қизган қутлади. Бу ерда улар сабоқ беришдек машаққатли ҳунари эгаллашлари лозимлигини таъкидлади. Ва бу йилда улар-

билан безатилган. Кимдир озкиб кутган давлар келгандан завқлангани боис атрофга бокиб тўймайди. Кимдир устозларининг самимий ҳечрасига тўймай, уларнинг байрамона ўғитларини тинглаш билан овура. Кимдир эса дўстлар ва дугоналари билан таътилдаги қайноқ лаҳзалар таассуротларидан сир очгиси келди. Хуллас, ҳамма кўтаринки кайфиятда. Қалбларидеги ҳаяжон ва севинч ҳечрасини ёритиб турган бу ёшлар дархол турнақатор бўлиб саф тортишди. Уларнинг бир хил оқ либосга бурканиб туриши ҳавасинини келтирди.

Мадҳиямизнинг жарангдор оҳангидан сўнг тантанали тадбир маросими бошланди.

ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ЁШЛАР

Пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги Тошкент музыка педагогика коллежи ўқитувчилар ҳамда талабалар жамоаси ҳам мустақиллик байрами ва билимлар кунини байрамона руҳда нишонлади. Мазкур коллеж директори Дилором Раҳимова барчани буюк истиқлол байрами ва янги ўқув йилининг биринчи кuni билан табриқлади. Шунингдек, тадбирда дилларидега қайноқ фикрлари жўш уриб турган устозлар ҳам сўз олишиб, истиқлол негизи нималардан иборатлигини ёшларга атрофлича тушунтириб бердилар.

— Мен бу йил 9-синфини битириб, орзум билган мана шу коллеж талабаси бўлдим, — дейди Гулчехра Исроилова. — Чунки бундай ҳашаматли, замонавий ўқув технологиялари билан таъминланган илм даргоҳида ўқиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунинг барчаси мустақиллик шарофати деб ўйланади.

— Мен ҳам мактабда олган билимимни айнан шу ерда давом эттираётганимдан бахтирман, — дейди парентлик Хуршид Қўлдошев. — Бу даргоҳга ўқишга кирганимнинг боиси, келажакда ёш авлодга муносиб билим бера оладиган етук мутахассис бўлмоқчиман.

Шерзод АҲМАТОВ Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ФАХРИМСАН, ИФТИХОРИМСАН, ОНА — ЎЗБЕКИСТОН

Янги ўқув йилининг дастлабки кuni Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги тарих фанига ихтисослаштирилган 216-мактаб ҳовлиси эрталабданон гавжум бўлди. Ўқувчиларнинг кўлларида алвон гуллар, гулдасталарнинг барчаси биз учун азиз саналган муаллим-мураббийлар учун эди. Гуллар ила талпинаётган ўқувчилари билан дийдорлашар эканлар, муаллимлар уларнинг ҳар бирига гўё меҳр улашётгандек эди, назаримизда.

Мактабга илк қадам қўйган ўғил-қизлар ён-атрофга ўзгача ҳаяжон, айрича қувонч билан боқишарди. Бироздан сўнг жажжи ўғил-қизлар ўларнинг қалбларида бир умрга муҳрланиб қоладиган лаҳзаларни бошидан кечиршарди: "Биринчи кўнғироқ". Сўнгра улар бисотида муаллим, дарс, дарслик, мисол, масала сингари тушунчалар сонин ортиб бораверди. Муаллим эса баъзида асабийлашиб, гоҳида қувониб сабоқларни ўтаверди. Чунончи, ўқувчилари ёзиш-чиизишни, "Алифбе"ни ўзлаштирган кун ўқитувчи ҳаётидаги энг ёруғ кун бўлиб қолади. Чунки шу кuni ўқувчилар ўрганганларини бурро-бурро айтиб берадилар.

Ўғил-қизларнинг тиллари янада бийрон бўлишини тилагандай, ҳамма-ҳамма билим олишга чорлаб, янги ўқув йилининг "Биринчи кўнғироғи" жаранглади. Барча синфхоналарда мустақиллик дарслари бошланиб кетди. Илм масканининг 1-1-А синфида бошланғич синф ўқитувчиси Мунира Ғозижўаева "Ўзбе-



кистон — Ватаним маним" мавзусини ўтаётган эканлар. У киши машғулот давомида Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларга ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, у 1-синф ўқувчиларига барча дарсликлар, 12 турдаги ўқув куроллари Президент совғаси сифатида бепул берилганини қайд этиб ўтди. Биз дарс аяқунда ўғил-қизларга "Президентимиз ким?", "Уни нима учун яхши кўраимиз?", "Мадҳиямизни биласизми?" каби саволлар билан муурожаат қилдик.

Эътиборлиси, саволларимиз жавобсиз қолмади. Аксинча, Нигора Тешабоева, Жамшид ва Даврон Раҳимов сингари жажжолар бор истеъдодини кўрсатиш пайида бўлишди.

Истеъодлар улғайгани сайин улар мактаб, маҳалла, эл-юрт фахрига айлана борадилар. Масалан, 11-1-А синфдаги она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Моҳира Турсунқулваннинг "Ўзбекистон — келажак буюк давлат" мавзусидаги дарсида ҳам Элмурод Халилов, Фурудат Ғозиева, Зулхумор Умарова, Феруза Камолова каби истеъодли ўқувчилар фаол иштирок этишди. "Ақлий ҳужум" шаклида ташкил этилган баҳсда улар "Мустақиллик нима?", "Мустақиллик бизга нима берди" ва бошқа кўпжа саволларга мисоллар ёрдамида жавоб қайтардилар. Унутилаёган кадргай ва аъналаримиз истиқлол туфайли қайта тикланганини қайд этдилар.

Тарих фани ўқитувчиси Ҳамида Раҳматуллаеванинг 7-1-А синфида ўтказган "Йўлинг нурафшон, умринг боқий бўлсин, мустақил Ўзбекистон!" дарси ҳам баҳс-муноразагага бой бўлди. Асосийси, у ерда ўқувчилар, истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда Президентимиз бошчилигида халқимиз эришган ютуқларни фахрли равишда тилга олдилар. Хуллас, илм масканида ўтилган ҳар дарс бир моҳият таваранида жипслашди: "Фаҳримсан, ифтихоримсан, Она-Ўзбекистон!"

Курбонбой МАТКУРБОНОВ, Район ХОЛМУРОДОВА, "Маърифат" мухбирлари Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ОТА-ОНАГА ҲАМ, БОЛАГА ҲАМ ҚУЛАЙ

Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний соғлом авлодни воғга етказиш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис бола тарбиясида асосий бўлган ҳисобланган боғча ва бошланғич таълим соҳасида талай ўзгаришлар юз бермоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябрда қабул қилинган "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорда мазкур тизимни янада такомиллаштириш, жумладан, пулли хизмат кўрсатишни ҳам жорий этиш кўзда тутилган. — Мазкур қарорга мувофиқ ўтган йили

боғчамизни боғча-мактаб мажмуасига айлантирдик, — деди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 94-боғча-мактаб мажмуаси мудири Д.Ворисов ва ЎА мухбирига. — Шу мақсадда илгари "Микона" заводига қарашли бўлган боғча биносини таъмирлади. Бунда

I slohot qirralari

бизга туман халқ таълими бўлими, савҳавпеша тадбиркорлар ёрдам берди. Ҳозир мажмуада болалар учун барча шарт-шароит яратилган. Синфхоналар, спорт заллари, дам олиш хонала-

ри кўнғилдагидек жиҳозланган. Компьютер синфида эса болалар шундай замонавий техника билан муомала қилиш имкониятига эга бўлади. Тарбияланувчилар мактаб ёшига етгач, шу ернинг ўзига бошланғич таълими олади. Машғулотлар туғагач, улар дам олиши, қизқарили тўғарларда катнашиши, уй вазифасини бажариши мумкин.

Кундузи кўпчилик ота-оналар ишда бўлишини эътиборга олганда, бундай боғча-мактаб мажмуалари ота-она учун ҳам, бола учун ҳам қулайлиги янада равшанлашади.

Меҳри БОЛЛИЕВА, ЎА мухбири

ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТ

Агрохимия ва агротупроқшунослик — Тошкент Давлат аграр университетиде шу ўқув йилидан бошлаб очилган янги факультетдир. Бу таълим йўналишини очилишнинг зарурати нимада эди?

“Ер тўғрисида”, “Ер кадастри тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Ерга муносабат ўзгарди. Демак, уни илдан игнасига қадар ўрганиш мавриди келди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи мутахассис ерни, унинг қатлами ва таркибини, ҳосилдорлик даражасини, тупроқ ҳолатини ҳам назарий, ҳам амалий томондан мукамал билиши керак.

“Усимликларни химоя қилиш” факультетидан ажралиб чиққан бу ихтисосликка 35 нафар талаба қабул қилинди. 12 киши эса магистратурада ўқийдиган бўлди.

Факультетда соҳанинг назарий асосларини ўргатиш мақсадида бир қанча кафедралар ҳам иш бошлади. Тупроқшунослик, агрохимия, химия ва биохимия, тупроқшунослик кафедралари шулар сирасига кирилади.

— Янги таълим йўналишини очилишнинг биринчи шарт-шароитларига эга эдик, — дейди факультет декани Абдуқадир Шералиев. — Ўқитувчиларнинг етарли эканлиги, дарслик ва ўқув кўланмаларининг анча-мунча етарли эканлиги бизни ташвишга солгани йўқ. Ўқув йилининг дастлабки кунларидаёқ тупроқшунослик ва ҳуқуқшунослик бўйича мазруза матнларининг электрон шаклини талабаларга тақдим этмоқчимиз.

“САМОУЧКА” ДАН ЕТУК МУТАХАССИС

Компьютер технологиялари бутун дунёни эгаллаб олди. Илмий атама билан айтиладиган бўлса, техноген цивилизация, яъни юксалиш. Худди унинг ичига бутун дунёдаги сир-синослар жойлашган дейсиз. Қизиққан киши унинг қар-

шисига ўтириб, “ичига” кириши мумкин. Қорақалпоқ Давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Бахтиёр Абдиқамоллов ҳам “самоучка” орқали компьютернинг етуқ мутахассисига айланганлардан. Университет республикамиздаги энг кўп замонавий технологияга эга олий таълим муассасаси сифатида тилга олинади.

Информацион технологиялар марказини бевосита Бахтиёр Абдиқамолловнинг ўзи бошқармоқда. Ўтган ўқув йилининг охирида 40 млн. сўмга олиб келинган бу технологиялар билан тўғридан-тўғри дунё мамлакатларига чиқиш мумкин. Университетнинг ўз сайти ҳам “Интернет”га жойлаштирилган. 423 та мазруза матнининг электрон версияси ҳам ўқитувчиларга, ҳам талабаларга қулайлик туғдириши табиий.

... Яқинда, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар орасида

Бахтиёр Абдиқамолловнинг ҳам исми-шарифи қайд қилинган. Унга

“Меҳнат шухрати” ордени берилди. Дарвоқе, университетга бу хушхабар яқин тезлигида тарқалди. Компьютер бўйича етуқ мутахассисни ҳамкасблари, дўст-биродарлари қутлашмоқда.

МАГИСТРАТУРА — БУЮК БРИТАНИЯДА

Шоҳрух Ҳакимов — Тошкент Давлат авиация институтининг менежментлик ихтисослигини тамомлади. Унинг айрим тенгқурлари магистратурага ўз қадрдон институтларида давом эттиришмоқда. Шоҳрух эса Буюк Британия сафарини бетоқатлик билан қутайтирди.

Дарҳақиқат, Шоҳрух “Умид” жағғармасининг 2002 йилги совиндорларидан бири. Синовлар унинг ривожланган давлатларида ўқиш қобилияти борлигини исботлади. У магистратурага Буюк Британиядаги Лафборо университетиде давом эттириш имкониятини қўлга киритди.

Х.ТҶИМАНОВА

ДАРСНИНГ ПСИХОЛОГИК ВА МЕТОДИК ОМИЛЛАРИ

Amaliy mashg'ulotlar

Давр биздан ўқувчиларнинг тарҳаёнида фақат тингловчи эмас, балки фаол иштирокчига айлантириши тақозо этмоқда.

Бу вазифининг асоси сифатида таълим мазмуни, яъни ўқув дастури, дарсликлар, қўланмалар янгилади, ДТС яратилди. Бу эса ўқитувчи учун таянч бўлиб хизмат қилади. Мухими, энди ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчи учун қизиқарили, унинг ўзлаштириб олиши учун қулай услубларда ташкил этиши, ўз маҳоратини кўрсата билиши ҳар бир дарсни янги педагогик технология элементлари асосида ташкил этишдадир.

Янги педагогик технологиянинг бош мақсади дарс жараёнида ўқувчи мавзу материалларини осон ва қулай ўзлаштири олиши, саволларга эркин, ҳаётий тажрибалари асосида мустақил жавоб қайтаришига эришишдир.

Дарсларнинг самарали бўлиши эса, ўқувчиларнинг руҳий ҳолати, яъни дарсга уларнинг бутун эътиборини жалб қила олишига боғлиқдир. Бунинг учун ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини, кайфиятини яхшилайдиган, уларнинг қизиқишларини оширадиган усул ва воситалардан оқилона фойдаланиши лозим. Бу эса ўқувчиларнинг фаолигини таъминлашни кафолатлайди.

Бунда ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиниб иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Киноси, улар юзма-юз туриб баҳс-мунозараларга киришиш имкониятларига эга бўладилар. Бу имконият туфайли ўларда ўз фикрини мустақил баён қилиш, ўзгалар фикрини инobatта олиш каби хислатлар таркиб топади.

Дарсни лойиҳалашда унинг психологик ва методик томонларига эътибор қаратиш лозим. Психологик жиҳати, яъни ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиниб иштирок этиш, ақлий фаолиятини ташкил этиш, уларнинг диққатини жалб қилиш, қизиқишларини ошириш ва ҳоқароқлардир. Методик жиҳати эса, топшириқларнинг тушунарли, муаммоли, таққослаш ва умий хулосалар чиқариш мумкин бўлган усулларда тузиладир.

Мен ўқув жараёнида кўпгина ўқитишнинг фаол усулларидан бири модели дарсдан

фойдаланаман. Бу дарс бир неча босқичдан иборат:

- янги билимларни ўзлаштиришга тайёргарлик кўриш;
— янги билимларни ўзлаштириш;
— янги билимларни мустақамлаш ва тартибга солиш;
— янги билимларни амалда қўллаш.

Биринчи босқичда, яъни ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштиришга тайёргарлик кўришда ўтган мавзулар мазмунига боғланган психологик тест топшириқларидан фойдаланаман.

Бу топшириқларнинг шартига кўра, биринчи жумлага иккинчи жумлани мантикий боғлаш ва ўрнига тегишли жавобни топиш талаб қилинади.

Масалан, 5-синфда “Бир хил махражли касрларни қўйиш” мавзусини ўқишда куйидаги психологик топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

- 1. Уйлаб кўринг ва сўроқ ўрнига мос сонни қўйинг.
МУЗ-ЗУМ, 5/7 - ?
2. Берилган намунага қараб хулоса чиқаринг ва сўроқлар ўрнига мос сондаги нуқтални белгилар қўйинг.


3. Куйидаги намунага қараб сўроқ ўрнига мос сўзни ёзинг.
Намуна

3/8, 1/8, 5/8, 7/8 — бир хил махражли каср

3/5, 4/7, 7/11, 8/15 — ?

4. Фикрлаб топинг:
тўғри, ёйиқ — бурчаклар
тўғри, нотўғри, аралаш — ?

Иккинчи босқичда, яъни янги билимларни ўзлаштириш учун муаммоли топшириқлар тарқатилади. Бунда ўқувчи мустақил фикрлаб, уйлаб, баҳс-мунозара орқали янги тушунчаларни ўзлаштириб олади. Масалан, махражли касрларни қўйишни ўрганиб олиш учун куйидаги топшириқни бериш мумкин: Шаклнинг бўялган қисмини каср кўринишида ифодаланган ва муносабат билдиринг. (чизма):



Учинчи босқичда, яъни янги билимларни мустақамлаш ва тартибга солиш учун айрим элементлари тушириб қолдирилган топшириқлар берилди. Бу топшириқларни ўқувчи мустақил бажариб, янги тушунчаларни, қоида-қонуниятларни ўзлаштириб олишлари мустақамлашдир.

- Масалан,
1) 4/11 + 2/11 = 4+... = ... / 11
2) 3/17 + 8/17 + 4/17 = 3+...+4 = 15 / ...

Бу каби топшириқлар орқали касрлар сонидан қатъий назар бир хил қоидага риоя қилиниши таъкидланади.

Тўртинчи босқичда, яъни билимларни амалда қўллаш учун дарсликдаги мисоллардан берилди ва мустақил бажаришлари ўқитирилади, сўнгра уйга топшириқ берилди. Дарс якунида эса хулосавий фикр, ўқувчилар фаоллиги, улар олган баҳолари эълон қилинади.

Мағдижон ҒАФОРОВ, Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 45-ўрта мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси, халқ таълими аълоши

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида расман 1996-97 ўқув йилидан бошлаб ўқинишнинг пуллик шакли жорий қилинди. Бу аввало ривожланган давлатлар тажрибасига мурожаат қилишдир. Қолаверса, таълимни эркинлаштириш, унда рақобат муҳитини кучайтиришга замин яратишдан ҳам иборат.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг маркетинг маркази раҳбари Абдуҳаким Маманзаров билан суҳбатлашган муҳабиримиз тўлов-контракт таълим шаклини йўлга қўйишдан қўзланган мақсад, унинг тартиб-қоидалар, шарт-шароити ва муаммолари хусусида қизиқди.

— Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, унинг тарқатишда узуксиз устувор соҳа — мустақиллик руҳи сингдирилган кенг қамровли ислохотлар ҳақ таълимга ҳам тобора сингишиб бормоқда. Бу ислохотлардан кўзда тутилган мақсад — таълим самарадорлигини ошириш, мазмунини яхшилаш, пировард натижада уни жамият ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ривожланишига хизмат қилдиришдан иборат. Таълимнинг самарадорлик мезони унинг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Бунинг учун эса, жаҳон педагогикасининг, айниқса, ривожланган давлатларда таълимнинг ўзига хос жиҳатларини кенг педагогик жамоатчиликка етказиб бериш муҳимдир.

Бизда яқин йилларга қадар олий таълим олиш тўлиқ давлат зиммасида бўлиб, талабалар текин билгани олишарди. Республика олий таълим муассасаларида аслида 1995-96 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг тўлов-контракт шаклига қўл урилган эди. Бу эса маҳаллий бюджетга ана шу мақсад учун сарфланаётган маблағларнинг бир қадар тежасини назарда тутди. Қолаверса, дунёдаги кўпгина давлатларда бундай тажриба узок йиллардан бери давлат эътиб қилади. Чунонки, АҚШда давлат томонидан қўлаб-қуватланган университетларда талаба бир ўқув йилига 20-22 минг доллар сарфлайди. Гарвард, Колумбия, Ел, Стенфорддаги хусусий университетларда эса 40-50 мингдан 90-100 минг АҚШ долларигача миқдорда пул тўланади. Германияда қўлаб университетлар давлат томонидан қўлаб-

қувватланади. Шу боис ўқиш нархи анча арзон, йилга 5-10 минг доллар. Францияда асосан давлатга қарашли олий таълим муассасалари кўпроқ бўлган боис бир йилга символлик тарзда 100-150 доллар тўланади. Япония, Канада ва Австралияда ҳам нуфуз-қиятидан илғаб олса бўлади. Фикримизнинг исботи сифатида шартнома тўловларининг 70 фоизга яқини жисмоний шахслар, яъни талабаларнинг ота-оналари томонидан амалга оширилганини келтириш мумкин. Аммо биз шартномаларда юридик шахслар сифатида корхона ва ташкилотлар ҳам иштирок этишини истардик. Бу йўналишда изланмоқдамиз. Чунки ўқув жараёнида истеъмолчи корхона ва ташкилотларнинг ҳам иштирок этиши бевосита қаррлар сифатида ижобий таъсир этиши чет давлатлар тажрибасидан маълум. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг тўлов имкониятлари оша бориши билан

тўғри, у қисқартирилгани йўқ ва сақланг қолади. Ўтган йили ҳам давлат грантига 19900 та ўрин ажратилган бўлса, бу йил ҳам ўша рақам сақланиб қолди. Гап шундаки, тўлов-контракт билан ўқишга ўрин ҳар йил кенгайтирилмоқда. Чунки бозор муносабатлари талабалари, мутахассислар бозорининг тақомиллаша бориши шунга тақозо этилпти. Мутахассис ўзининг асосий капитал — билим ва хунарини маълум маблағ ва кўп сарфлаб тўлайди, келажакда унинг қўлайлиги мумкин. Бир ўқув йили учун бир талабага белгиланадиган маблағнинг ҳуқуқат томонидан тақдирланшида унга берилган назарий ва амалий

Шартнома тўловлари ОТМларнинг талабани ўқитишга сарфлайдиган харажатларини қоплашга қаратилган ва у тахминан мазкур харажатларнинг умумий миқдорига тенг. Йўналишлар кесимида тўловларнинг дифференциялангани шу ихтисосликларда мутахассис тўловларига сарфланадиган маблағлар миқдорига фарқлар билан бевосита боғлиқ.

Тўлов-контракт суммаларини белгилашда нима-лар ҳисобга олинади, деган савол ҳам келиб чиқиши мумкин. Бир ўқув йили учун бир талабага белгиланадиган маблағнинг ҳуқуқат томонидан тақдирланшида унга берилган назарий ва амалий

САБОҚ ЯКУНИДА ИНШО ВА РЕФЕРАТ

Мамлакатимизда катта тантана билан “нишонланган Истиклолнинг 11 йиллик тўйи ҳар йилгидек ўқувчи ва талабаларнинг янги ўқув йили байрамига улашиб кетди. Анъанага кўра, бу йил ҳам барча олий таълим муассасаларида олиб берилган илк сабоқ — мустақиллик дарси бўлди.

Таъкидлаш уринлики, айни шу дарснинг жорий қилиниши ва унинг барча олий ўқув юртларида олиб борилаётгани ҳаётимизда руй бераётган ўзгаришларни бугунги кун нуктаи назаридан таҳлил қилиш, эришган ютуқларимизни реал кўз билан баҳолаш имкониятини бермоқда. Шунингдек, халқимизнинг асрий орзу-умиди ва интилиши бўлган мустақиллигимизнинг курашлари билан қўлга киритилгани ёшлар онгига чуқур сингдирилаётган булғиси иқтисодчилар даврасида ҳам узига хос тайёргарликлар асосида, олий ва урта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган “Мустақиллик дарсларини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиш доирасида олиб борилди.

Ушбу дарс машгулотлари якунида талабалар уқилган маърузалар асосида иншо ва рефератлар ёзадилар. Бу ишни самарали ташкил этиш, ҳамда талабаларнинг ушбу курсни тула ва мукамал ўзлаштиришларида эришиш мақсадида бу йил ҳам факультетлараро “Энг эҳши иншо”, “Энг яхши реферат” танловларини ўтказиш режалаштирилган.

Мустақиллик дарслари Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида булғиси иқтисодчилар даврасида ҳам узига хос тайёргарликлар асосида, олий ва урта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган “Мустақиллик дарсларини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиш доирасида олиб борилди. Сабоқлар довомида талабаларни миллий истиқлол мафқурасининг маз-

бирга ўқиниш мазкур шаклига талаб ҳам кунча бориши табиий бир ҳолдир. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари мана шу истиқболни назарда тутиб, моддий-техника базаси ва профессор-ўқитувчилар салоҳиятини кучайтириб боришлари, тўлов-контракт асосида янада кўпроқ мутахассислар тайёрлашга киришишлари керак.

Ҳозирги вақтда олий таълимнинг биринчи босқичи — бакалаврида 130 дан кўпроқ, магистратурада 1100 дан зиёд таълим йўналишлари мавжуд. Табиийки, улар бир-бирининг фарқларидан, белгиланган тўлов суммалари ҳам ҳар хил. Хусусан, ёшлар кўпроқ интиладиган ҳуқуқ, иқтисод, тиббиёт, халқаро иқтисодий муносабатлар иқтисодийликларидеги тўлов суммалари анча юқори. Бир ўқув йилига 540 минг сўмдан 541 минг сўмгача. Бунга нима билан изоҳлаш мумкин?

Машгулотлар, фойдаланадиган ўқув хоналари, жиҳозлар, технологиялар, стипендия миқдори, ўқитувчига тўланадиган маош — ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинади. Бундан ташқари, аҳолининг тўлов имконияти, йўналишга бўлган талаб ва эҳтиёж кўрсаткичлари эътиборга олинади. Айни пайтда, ижтимоий ҳимоя устуворлиги тамойилига ҳам амал қилинади.

Биласизки, ўтган йили 26 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги 318-сонли қарори амалда қўйилган. Таълим кредитларидан фойдаланишнинг бугунги таҳлили шунга кўрсатмоқдаки, банк муассасаларидан кўра нақд пул тўлаш аҳолига афзал

Dolzarb mavzu
ЖАҲОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ

ёхуд унинг мамлакатимиз олий таълим муассасаларига жорий қилиниши хусусида

Муҳаммадjon ИСРОИЛОВ, “Ma'rifat” муҳбири

Fikr, munozara, taklif

Бугунги воқелик шиддат билан ривожланмоқда. Бу эса ҳар бир фан соҳаси олдида янги-янги муаммоларни кўяди. Бу жараёнлар адабиётшуносликнинг таркибий қисми — адабиёт назарияси ҳам мустасно эмас. Чунки адабиёт назарияси адабиётшуносликдан бериладиган билимларнинг ўзагини ташкил этади. Шу боис ҳозирги пайтда олий ўқув юрларида адабиёт назариясидан таълим беришда нималарга диққат қилиш, қандай назарий муаммоларга эътибор бериш, қайси методологик тамойилларга амал қилиш лозимлиги ҳақида узи-келиш хулосаларга келиш ниятда зарур бўлиб қолди.

Маълумки, яқин пайтларга қадар адабиёт назарияси курсининг етакчи методологик асосини марксча-ленинча методология ташкил этар эди. Эндикда мазкур методология адабий ҳодисаларнинг белгиланган моҳиятини қамраб ололмади ва буни ўқувчи ўзидан қайтариб олишга қўйиб қолди. У ҳолда адабиёт назарияси оид тадқиқот ҳамда таълимнинг асосини қандай методологик тамойиллар ташкил этади?

Ҳозирга қадар дунё адабиётшунослигида қиёсий-тарихий, интуитив, формал, структурал, биографик, "янги танқид", психоаналитик, материалистик ва статистик ўрганиш методлари амал қилиб келар эди. Мазкур методлардан ҳар бирининг ўз асосчилари, тарафдорлари ва назарий концепциялари мавжуд. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам адабий ҳодисаларни назарий таълим қилишда мукамилликка даъво қилолмайди. Шўро даври адабиётшунослигида материалистик метод билан қиёсий-тарихий метод, кўп ҳолларда, биргаликда истифода этилиб келинди.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги тадқиқот методологияси адабий ҳодисаларнинг мураккаб синтези табиатидан келиб чиққан ҳолда юқорида қайд этилган методлардан бирортасига ҳам алоҳида олинган ҳолда мурожаат эта олмайди. Шунинг учун адабий ҳодисаларга ёндашувда, уларни гоёвий-бадий таҳлил, талқин этишда ана шу адабий ҳодисаларнинг мураккаб табиатини ҳисобга олган ҳолда исталган тадқиқот методларининг барчасига хос ижобий жиҳатлардан фойдаланиш мумкин. Ана шундагина ҳозирги адабий жараёндаги ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини назарий

ёритилиши зарур. Бундай зарурий мавзулар эса ҳозирга қадар адабиёт назариясидан яратилган мавжуд дарсликларда учрамайди. Адабиёт назарияси бўйича бериладиган билимнинг моҳиятини бадий асарнинг таркибий қисмлари ва уларнинг таълими ташкил этади. Чунки уни ўқитишдан мақсад ҳам талабада турли адабий тур ҳамда жанрларга мансуб исталган асарни унинг яхлитлиги, тугаллиги ҳалал бермаган ҳолда мукамил таҳлил ва талқин этиш малакасини шакллантиришидир. Аммо ана шу таҳлил ва талқин жараёнида адабиётнинг ўзагини хос хусусиятини ҳисобга олиш,

ижод жараёни, ижод психологияси ва ижодкор лабораторияси муаммоларидан маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга. Поляк олими Ян Парандовский ўзининг "Сўз алхимияси" асарида бир қанча адиб ва шoirларнинг ижод қилиш жараёни, уларнинг ўзларига хос ижод манералари ҳақида қизиқарли кузатишлар олиб борган. Унинг бундай кузатишлари бадий асар деб аталмиш феноменнинг қандай яратилганлиги, уни яратишда ижодкорнинг маънавий, ақлий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан қилган машаққатли меҳнати қизиқарли, айни пайтда ижод жараёнининг кўпчилиги учун сирли бўлиб қолаётган жумбоқлари

Ана шунда талаба шеър тузилиши муаммоларининг узоқ тарихий-илмий асосларидан воқиф бўлади, унинг олган билими эса изчиллик касб этади. Масалан, ўзбек шеърятдаги силлабик (бармоқ) ва аруз (квантитатив) усулларнинг тарихий илдизлари, уларнинг ўзларига хос хусусиятлари ҳақида ҳам маълумот бериш учун бошқа халқлар шеърятдаги метрик, тоник, силлабо-тоник системалар ҳақида ҳам маълумот бериш зарур. Ҳозир адабиёт назарияси курсларида турлича таҳлил ва талқин методлари мавжудлигини унутмаслик лозим. Айниқса, олий таълим тизимида адабий

тахассис аниқ, мукамал таълимнинг эга бўлиши лозим. Иккинчидан, таҳлил қилувчининг мақсадига қараб ҳар бир жанрга хос структурал бирликлар танлаб олиниши мумкин. Улар ижодкор дунёқараши ва гоёси, образ ёки тафсил, сюжет ёки мотив қабиладан иборат. Структурал таҳлилдан мақсад ана шу бирликларнинг бадий асар яхлитлиги ва тугаллигини таъминлашдаги ўрни, вазифаси ҳақида аниқ, ишонarli хулоса чиқаришидир. Учинчидан, структурал ўрганишда дискретив, семантик, тема-рематик, парадигматик ёки эмблематик таҳлил усулларидан фойда-

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: "АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ"НИ ҚАНДАЙ ЎҚИТАЙМИЗ?

жаҳатдан аниқ, тугал ва чуқур очиб бериш мумкин. Бу билан айтмоқчимизки, ҳозирги адабиётшуносликнинг методологик принципларини белгилашда, илгаридек методларни қатъий чегаралаб бўлмайди. Мана шу нарсанинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, олий таълим тизимида адабиёт назариясини ўқитишда, энг аввало, жаҳон адабиётшунослиги таълим бериш талаб этилади. Бунинг учун, биринчидан, адабиёт назариясидан яратилажак дарсликларда адабиётшунослик методологиясининг етакчи тамойиллари, ривожланган маълумотлар адабиётшунослигида жорий этилган методлар, йирик мактаблар ҳамда концепциялар мухтасар

унинг амалий ва экспрессив санъат турлари сира-сидаги мақомини нозик англаш, адабий воқелик ва образнинг динамик характери ни унутмаслик, миллий ва умуминсоний диалектикани синфийлик ҳамда партиявийлик каби ижтимоий-сиёсий категориялардан холи ҳолда баҳолашга алоҳида диққат қилиш зарур. Эндикда адабиёт назарияси курсларида вори-сийлик ва унинг миллий адабиётдаги давомийлик тарзи, адабий прогресс (таракқиёт) ва регресс (таназул) нисбати, тақрибийлик ва аниқлик диалектикаси, ички ва ташқи анъаналарнинг тугган ўрни, таъдид ва унинг миллий тафаккур билан алоқадорлиги каби адабиётшуносликда ҳозирга қадар жуда оз ва деярли ўрганилмаган муаммоларга биринчи даражада аҳамият бериш талаб этилади. Адабиёт назарияси курсида адабий турлар ва

ма қилинмай келинмоқда. Аслида эса ушбу соҳанинг нонини еяётганлар масалаларга ўз муносабатларини алоқадорлар билдиришлари зарур эди. Адабий турлар миқдори борасида ўзгаришлар юзасига келган экан, адабий жанрларни тайин этиш мезонлари ҳам эндикда бирмунча аниқланди. Адабий жанрлар илгари назарий жиҳатдан асосан икки мезон асосида белгиланар эди. Бу мезонлар эса воқеликнинг қамров даражаси ва барқарор поэтик системадан иборат эди. Ҳозир назарий жиҳатдан бадий асарнинг жанр мансубиятини белгилашда қуйидаги тўрт мезонга риоя қилиш талаб этилади. Булар: 1) жанрнинг ҳаёти ва гоёвий қамров даражаси; 2) ижодкорнинг ана шу материалга эстетик муносабати; 3) асарнинг шаклий тузилиши; 4) баён, ифода ёки тасвир шакли. Адабиёт назариясида

ҳақида аниқ илмий хулосаларга келишга имкон беради. Адабиёт назарияси курсида шеършуносликдан асосли билим бериш лозим. Шеършунослик эса аниқ соҳа ва бунда арава-ни қуруқ олиб қочишга имкон бўлмайди. Чунки ҳар бир шеърнинг матн муайян тилнинг фонетик табиати, морфологик ва синтактик қурилиши билан ҳамбарчас боғлиқликда юзага келган. Демак, шеър тузилишига оид масалалардан билим бериш зарур. Биринчидан, структурал таҳлил бадий асарнинг жанр мансубиятига қараб турлича бирликлар асосида амалга оширилади. Чунки, бадий асар деб аталувчи умумий бирлик учун ягона ва универсал структурал қолип йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Масалан, ғазал ва роман бошқа-бошқа жанр, бинобарин, уларнинг ҳар бирига хос структурал бирликлар мавжуд. Бу бирликлар ҳақида эса адабиёт назариясидан билим берувчи му-

асарни структурал ўрганиш бўйича махсус курснинг киритилиши адабий-назарий таълим зиммасига янги ва анча мураккаб вазифаларни юклайди. Маълумки, структурал таҳлил бадий асар яхлитлигини сақлаган ҳолда унинг таркибий қисмларини, ҳар бир қисмининг тугган ўрни, бадий вазифасини аниқ белгилашга хизмат қилиши лозим. Бунинг учун эса бир неча муҳим нукталарга жиддий эътибор бериш зарур. Биринчидан, структурал таҳлил бадий асарнинг жанр мансубиятига қараб турлича бирликлар асосида амалга оширилади. Чунки, бадий асар деб аталувчи умумий бирлик учун ягона ва универсал структурал қолип йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Масалан, ғазал ва роман бошқа-бошқа жанр, бинобарин, уларнинг ҳар бирига хос структурал бирликлар мавжуд. Бу бирликлар ҳақида эса адабиёт назариясидан билим берувчи му-

ланиш мумкин. Тўртинчидан, бадий асар билан бадий матн структурасини изчил фарқлаш керак бўлади. Чунки матн структураси бадий асар матн орқали воқе бўлса ҳам, бутунлай бошқа-бошқа категориялар бўлиб, улардан бири шаклий-мазмуний, иккинчиси гоёвий-эстетик категорияни ташкил этади. Ҳозир олий таълим тизимида бадий асарни структурал ўрганиш бўйича машғулотлар қонқарли олиб борилаяпти, деб бўлмайди. Бунинг бош сабаби эса таълим берувчиларнинг структурал ўрганиш масалаларидан етарлича билим ва малакага эга эмаслигида. Эндикда мутахассисларнинг француз ёки рус структурализм мактаблари билан яхши таълим олиш керак бўлади. Адабиёт назариясидан талабаларга бериладиган таълимнинг самарадорлиги уларнинг замонавий

ҳамда мумтоз адабиётшунослик терминларидан хабардорлиги, ҳар бир термин аниқ ва тўғри билиши билан боғлиқ. Термин — фан тилининг атоқли отлари. Уларсини фани чуқур, асосли ўзлаштириб бўлмайди. Ҳозир адабиётшуносликда маълум даражада терминологик хаос (тартибсизлик) ҳукм сурмоқда. Айрим адабиётшуносликлар модернизм, полифония, абсурд каби терминларнинг моҳиятига тушунмай, уларнинг миллий-бадий тафаккур билан алоқадорлигига эътибор бермай қўламоқдалар. Бундай ҳол адабиётшуносликда, хусусан, адабиёт назариясида жиддий чалқашига сабаб бўлади. Бу эса таълимнинг сохталашшига олиб келувчи хавфдир. Бундай хавфдан қутулиш учун адабиётшунослик терминларининг мукамал изоҳли луғатларини тузиш, таълим жараёнида уларга суяниб машғулотлар ўтказиш зарур. Акс ҳолда, адабиёт назариясидан бериладиган таълим кўзланган натижани бермаслиги мумкин. Аниқ қилиб айтганда, термин муаллимнинг ёки олимнинг саводи заифлигини яширадиган ҳижоб вазифасини эмас, балки адабий билимнинг моҳиятини очиб бериладиган восита вазифасини ўтасин. Хулоса қилиб айтганда, эндикда адабиёт назариясини ўқитиш соф назарий асосга қўйилиши, бу предметдан таълим берувчи мутахассислар жаҳон адабий-назарий қарашлар тарихи, системаларидан боғабар бўлишлари шарт. Бунга эришиш учун эса олий таълим тизимида адабиёт назарияси курсига ажратилган ўқув соатлари миқдорини қайта қўриб чиқиш, бериладиган таълим сифати ва самарадорлиги жиддий эътибор қаратиш зарур.

Баҳоиди САРИМСОҚОВ, профессор

Qariyalarni qadrlash yili

ОУШМАМИЗ ҚЎРҚОЙИ

Қариясини қадрлаган юртнинг эртаси ёруғ бўлади. Зеро, "Қариси бор унинг париси бор" дея бежизга айтилмаган. Ҳар бир ўзбек хонадонининг курго-нига айланган ёши улут отахон ва онахонларимиз бизнинг ҳаётдаги маслаҳат-гўйимиз, суянчигимиз бўлиб ҳисобланадилар. Бинобарин, жорий йилни ҳукуматимиз томонидан "Қарияларни қадрлаш йили" дея эълон қилиниши ҳам юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир. Биз эса ушбу файзли йил муносабати билан Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касабам уюшмаси Марказий кумитаси раиси Зоир Қодиров билан суҳбатда бўлдик. — Турмушининг барча жабҳаларида фаолият кўрсатган фахрийларга ўтган 8 ой мобайнида алоҳида эътибор берилди, уларга катта ғамхўрликлар қилинди. Зеро, бу борада таълим ва фан ҳодимлари касабам уюшмалари ҳам амалий ишларин қилган бўлсалар керак. — Дарҳақиқат, нафақадан фахрийларимизга, кам таъминланган оилаларга ҳамда қаровчиси йўқ, ёлғиз яшайдиган кишиларимизга ғамхўрлик қурсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, муаммоларини имкон қадар ҳал этиш бутун бизнинг олдимиздаги асосий вазифалардан бири ҳисобланиб, бу масалалар тармоқ келишув ва жойлардаги жамоа шартномалари бандлигига киритилган. Республика миқёсида жорий — "Қарияларни қадрлаш йили" доирасида таълим тизимида ишлаган фахрийларимизга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, республика Таълим маркази қошидаги ўқитувчилар уйи ва Фахрийлар уйи кенгаши билан ҳамкорликда марказ фахрий педагоглари билан давра суҳбати ўтказилди ҳамда меҳмонлар Марказий кумитанинг қимматбахо совғалари билан тақдирландилар. Айниқса, Навруз байрами арафасида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 155-урта мактаб жамоасига спорт анжумалари совға қилиш ва мактаб фахрийларини рағбатлантириш тадбири катта байрамга айланиб кетди. Бундан ташқари Тошкент, Андижон, Наманган, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари тармоқ касабам

уюшмаси кумиталари томонидан жойларда "Авлодлар учрашуви", "Қариси бор унинг париси бор", "Хонадонимиз файзи" каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб, таълим фахрийлари ва ҳодимлари эсдалик совғалари билан тақдирландилар. — Бундан айтиш мумкинки, жойлардаги касабам уюшмалари хайрли ва савобли ишларга астойдил бел боғлашлар. — Албатта. Хусусан, Тошкент давлат иқтисодий университетини касабам уюшмаси кумитаси "Хотира ва қадрлаш кўни" арафасида 9 нафар урф қатнашчилари ва нафақадан 25 нафар ўқитувчи ҳодимларни моддий рағбатлантирди. 4 нафар ёлғиз яшовчи пенсионерларнинг уйларини таъмирлашда моддий ёрдам берди. Шунингдек, Хоразм вилоятида ҳам бу борадаги фаолликни кузатиш мумкин. Жумладан, Шовот, Урганч, Қўшқўпир, Богот туманлари, Урганч шаҳри касабам уюшма кумиталари ва халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда мактабларда "Хотира ва қадрлаш кўни" арафасида халқ таълимида меҳнат қилган марҳум устозларни ёдга олиш мақсадида "Хотира турнири" спорт мусобақалари ҳамда фанлар бўйича олимпиадалар ўтказилди. Ва голибарин вилоят тармоқ кумитаси томонидан 470 миң сум миқдоридagi совринлар билан мукофотландилар. Катталар уртасида соғломликка йўналтирилган спорт турлари бўйича фахрийлар мусобақаси Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва тумани ҳамда Денов тумани кумиталари томонидан ҳам ташкил этилди. Шунингдек, Термиз шаҳрида вилоят "Нуроний" жамағатимаси билан кеска ва ёш ижодкорларнинг "Уч авлод" ижодий учрашувининг ўтказилиши ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Миллий байрамимиз ҳисобланган Навруз арафасида Тошкент вилоятининг Бука тумани ва Янгийул шаҳар тармоқ касабам уюшма кумиталари томонидан ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Яъни, ёлғиз яшайдиган ва кам таъминланган таълим фахрийларига моддий ёрдамлар берилди ва улар

нинг кўна Самарқанд шахрига саёхатлари уюштирилди. Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишоланаётган Мустақилликнинг 11 йиллик тантанасида ҳам касабам уюшмалари томонидан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Биргина, Наманган вилояти мисолида қурайдиган бўлсак, Наманган тумани Шўрқўрғон қишлоғида яшовчи болалар шоири Тухтахон Раҳимованинг уй-музейида қариндош-уруғлари қарамоғида бўлган етим болалар, ногирон ва иқтидорли 80 нафар ўқувчилар учун байрам кечаси уюштирилди. Айнан шундай хайрли тадбирни Уйчи каби бошқа туманларда ҳам қуришисиз мумкин. Мустақиллик муносабати билан вилоят миқёсида ана шундай болаларга 900 миң сумлик меҳр-муруват қурсатилиб, уларга ўқув қуроллари ва турли хил совғалар улашилди. — Бундай тадбирларни амалга ошириш аниқ бир суммадаги маблағнинг ажратилишини талаб этади... — Шубҳасиз. Лекин бу харажатлар касабам уюшмаларининг ўзи учун бироз оғирлик қилади. Шунинг учун турли ташкилотларнинг кумаги билан республикамизнинг 4022 та таълим муассасасида 12154 нафар меҳнат фахрийси қурсатилган моддий ёрдам миқдори 20.530.345 сумни ташкил этади. Байрам тадбирларида эса 5262 муассасанинг 15.585 нафар фахрийсига 51.281.100 сумлик ғамхўрлик қурсатилди. 581 нафар ёлғиз яшовчи меҳнат фахрийларининг уй-жойларини таъмирлаш учун 3132 миң сумлик ёрдам берилди. Жамоа шартномалари ва келишувлари асосида 4497 та муассасада ишлайётган 13323 нафар пенсионерга 129.188.780 сум миқдорда моддий ёрдам қурсатилди. Бинобарин, ушбу маблағларнинг 46.859.680 сумидан ошқорғи касабам уюшмалари ҳиссасига тўғри келади. — Юқоридagi рақамлар тармоқ касабам уюшмаларининг ҳозиргача амалга оширган кенг қамровли ва унумли ишларидан дарак беради. Лекин, ҳаракат бор жойда камчилик ҳам бўлади, дейшад... — Тўғри, катта авлод манфаатлари

ҳимоя қилинаётган 2002 йилда жойлардаги баъзи касабам уюшмалари имкониятлардан, уларига берилган ваколатлардан тулик фойдаланаётганлари йўқ. Афсуски, айрим раҳбарларимиз ўз зиммаларидаги масъулият юқини ҳис қилмаётганлар, жамият ҳаётидаги барча ишлар эъгулик сари йўналтирилганлигининг моҳиятини тушуниб етмайптилар. Хужжатларни юриштишда сансалорлик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жамоа келишувлари ва шартномалари бандлигига киритилган муҳим вазифалар ҳаётга тулиқ таъбиқ этилмапти. Зеро, ҳозирги кунда касабам уюшмалари ўқув муассасаларида таълим жараёнини таъминлаш ишларига ладил кириб боришлари лозим. Уйлайманки, бу фикрларни газета саҳифасидан ўқитилганларидан сунг раҳбарларимиз уларига тегишли хулосалар чиқариб оладилар. — Яқин келгусидаги режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз. — Халқ таълими ҳодимлари уртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний чинқитириш ва саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида Истиклолимизнинг 11 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон халқ таълими ҳодимлари III республика спартакиадасининг яқуний босқичи бутун қадимий Бухоро шаҳрида бошланади. Уч кун давом этадиган мусобақаларда 225 нафар энг сар педагог спортнинг мини футбол, стол теннис, шахмат-шашка турлари бўйича баҳслашадилар. Ишонманки, бу том маънодаги спорт байрамига айланади. Шунингдек, "Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни" да ҳам давра суҳбатлари ва турли маданий тадбирлар ўтказишни режалаштирмоқдамиз. Жумладан, Ўзбек миллий академик драма театрида Республика олий ва урта-махсус, халқ таълими тизимида фидойилик билан самарали меҳнат қилаётган фахрий ва ёш педагоглар иштирокида "Авлодлар учрашуви" тадбирини ўтказамиз. Унга таниқли шoir ва ёзувчилар, санъат арбоблари ҳамда маданият ҳодимлари таклиф этиладилар.

Камолiddин АЛИОХУНОВ "Ma'rifat" нинг махсус муҳбири

Ҳа, зардўзликни эплаган қилади. Болаликдан бу санъатга меҳр қўйганлар турмуш синоварига ҳам бардош беради. Чироқчи туман ХТБга қарашли болалар ва ўсмирлар ижодиети марказидаги зардўзлик тўғраги раҳбари Барно Румиева (сурата) ана шу жиҳатни билгани учун ҳам ўқувчиларга астойдил зар қашталар тикшини ўргатапти. Диққат-эътиборини ўз ишига мана бу жамлаган қизлар тиккан миллийлигимиз намуналарини кун келиб нафақат миллатдошларимиз, балки хорижийлар ҳам асраб-авайлаб кийишса не ажаб!



ЗАРДЎЗЛИК — САНЪАТ

Бурхон РИЗО олган суратлар.

Ушкун йиллик шартнома асосида Хива педагогика билим тарбия талаба-ёшларига инглиз тилидан сабоқ бердим. Сездимки, ёшларнинг бу тилни ўрганишига қизиқиши ва эътибори катта. Мен уларга бу тилдан зўр ҳавас билан машғул бўлганман.

Уч кун давом этган семинарда муаллимлар туққунуш тилшунослари, филологлари, дарс жараёнини йилги, кўнрақларни ташкил қилувчилар, шулардан ташқари рақиб бўлган бошқалиқ, дарсдаги таълимий маънавий оқибатни қайта баҳолашда ҳаёт ва маърифат тилшунослари.

ЭЛГА ЖОНИ САДҚА МУАЛЛИМ

Ta'lim fidoyilari



Мен куйи синфларда ўқиб юрган кезларимда ўқори синфдаги опа-акаларимнинг "тарих ўқитувчиси" дасни жуда қизиқарли, ҳар хил тарихий мисоллар асосида тушунтиради. Дарси тинглаганимизда биз гўёки ўзимизни шу воқеа иштирокчисидек ҳис қиламиз. " деб гаплари турганининг кўп бора гўёки бўлардим.

Орадан йиллар ўтди. Узининг дарсига қизиқтири кўядиган ўқитувчи бизга ҳам 7-синфда тарих фанидан таълим бера бошлади. Мен шунда опа-акаларимнинг айтган гаплари ҳақ эканлиги ва бу ўқитувчимиз ширин сўзли, мулоим, ажойиб фазилатлар соҳиби эканлигига амин бўлдим.

Емонни кўрмагунча яхшининг қадрига етмайсан, деганларидек, ҳоҳида кўнглини хира қиладиган инсонларга дуч келиб қолганимда, беихтиёр қалбим ўша инсоннинг илиқ, мулоим сўзларини кўмсайди.

Иштихон туманининг тоғли Зарбанд қишлоғида бир неча йиллар давомида мактаб директори вазифасида ишлаб, ёшларга таълим-тарбия бериб, бугунги кунда маҳалла оқсоқоллари кенгаши раиси сифатида халқнинг хизматини қилиб келаётган Зиёдулла ака Урозов нафақат мен, балки барча шогирдлари чўқур эътибор билан тилга олувчи ажойиб устоз, безназир инсондир.

дир устознинг ҳаёт фаолиятини яна халқ хизматида бурди ва ҳозирги кунда маҳалла аҳлининг жонқуяр оқсоқоли сифатида меҳнат қилиб келмоқда. У киши кам таъминланган оилаларга давлатимиз томонидан берилётган нафақаларни белгилаб, ёрдам қўлларини чўзмоқда. Халқни ичимлик суви билан таъминлашда, ёшларни иш билан банд қилишда, аҳоли соғлигини таъминлаш пунктлари ишчи яхши йўлга қўйишда ўзининг савобли ва ҳалол меҳнати билан халқ ҳурмати қозониб келмоқда.

Бугун Зиёдулла Урозов фақатгина ўқитувчи сифатида эмас, балки элга бошчилик қилувчи оқсоқол сифатида ҳам қадридор. Маҳаллада тўй ва йиғинлар у кишининг масъулаҳисис ўтказилмайдими. У кишининг ташаббуслари билан 1992 йили 250 ўринли янги 9 йиллик таянч мактаби қуриб битказилди. Бу хайрли иш тўғрисида, қишлоқ бошқаруви энди қишлоқдан олиб келган мактабга қатнаб ўқиб машаққатидан холи бўлишди. Вазирлигимиз бу инсоннинг қилган эзгу ишларини муносиб тақдирлаб "Халқ таълими аълоҳиси" нишон ва бир қанча фахрий вриқлар билан тақдирлади.

Устоз бугунги кунда гарчи нафақадан бўлсалар-да, эл юмушини энгиллатишдан чарчаганлари йўқ. Бир неча йилги танаффусдан сўнг тақ-

дир устознинг ҳаёт фаолиятини яна халқ хизматида бурди ва ҳозирги кунда маҳалла аҳлининг жонқуяр оқсоқоли сифатида меҳнат қилиб келмоқда. У киши кам таъминланган оилаларга давлатимиз томонидан берилётган нафақаларни белгилаб, ёрдам қўлларини чўзмоқда. Халқни ичимлик суви билан таъминлашда, ёшларни иш билан банд қилишда, аҳоли соғлигини таъминлаш пунктлари ишчи яхши йўлга қўйишда ўзининг савобли ва ҳалол меҳнати билан халқ ҳурмати қозониб келмоқда.

Кишининг маънавияти ва қомиллик даражасини халқнинг хизматида астойдил бел боғлаган инсонларнинг улуг ишларида кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам устоз Зиёдулла ақанинг "халқнинг хизматида бўлинг, асло кам бўлмайсиз"-деган даъватлари ҳар бир маънавиятли инсоннинг қалбидан жой олганлигига шубҳа йўқ.

Сўқрут ҳажим айтди: — Гўзал ҳуқуқ одамнинг умри фаворонликда ўтади. Бошқаларнинг кўнглига унинг муҳаббати ўрнашади. Емон ҳуқуқ кишининг умри торликда, сиқилликда кечадими, душмани кўп бўлади, ҳамма ундан нафратланади.

Дарҳақиқат, инсонлар қалбига ахшилик уруғини экиб, мушқуликни осон қилишга ҳаракат қилаётган, устозга ўшган одамларнинг қўлини бугунги ва эртанги кунимизнинг қомолотини белгилаб бевручи омиладан бири, десак янглимадан бўлаемиз.

Хусниддин НОРКУЛОВ

Xotira

Тошкентдаги раҳмактабини 1928 йилда Додил Бозоров ҳозир Сирдарё туманига тепа қишлоғига мактаб очиб юборилди. У иниси Эдил билан бу қишлоққа келганида, Додилни Қоровултепа қишлоқ фаолларидан бири, кейинроқ "Ўзбекистон" колхозининг раиси бўлган Деҳқонбой ота илиқ қўлиб олди ва ўз уйдан уларнинг яшаш учун жой берди. Ҳўши китоби бўлмаганлиги учун, додил ўзи қўлланма тузиб, шундан фойдаланарди. Дарсларга қишлоқнинг кекса фаоллари ҳам қатнашардилар. Шундай қилиб, Додил ва Эдиллар эл ўртасида ҳурмат-эътибор топишди. Сал вақт ўтиб, олти хонадан иборат мактаб қурилиши бошлаб юборилди. Додил мактаб биноси учун тирак қирқийишда, тўсинлар тайёрлашда, материалларни қурилиш жойига келтиришда — ҳамма-ҳаммасида қатнашди.

Шундай қилиб, мактаб Додилнинг бевосита бошчилигида ҳашар йўли билан, 1928 йилнинг қузиғича битказилди. Шу йилнинг ўзидек мактабга ўқувчилар жалб қилинди. Биринчи йилдан ўта бола бир ой ўқитилиб, иккинчи қилинган, олтинчи биринчи синфга яроқли деб топилди. Қолган-

ДАДИЛ МАКТАБ ҚУРГАН ЭДИ

лари тайёрлов гуруҳида қолдирилди. Ҳўша ўқувчилардан бири — Немаматжон Ҳакимов бўлиб, ҳозир у қишлоқда. Қариллик гаштини сўрмоқда. Мактабнинг биринчи ўқувчилари уч киши бўлган: бири Додил, иккинчиси Мунира исмли аёл ва учинчиси Додилнинг иниси Эдил эди.

Ўзбекистон жамоа ҳўжалигининг фахрийси Холбек ота Халиқовнинг хотираларидан: "Ҳўша вақтларда шароит оғир эди, ҳаммаёқда етишмовчилик. Айниқса, қишда оҳвол жуда оғирлашарди. Додил ота мактаб мудири лавозимида бўлиб, мактабга нима зарур бўлса, "йўқдан бор қилиб" топиб келардилар. У киши тузган "Мактаб саводи" дарслиги асосида ўқувчиларга дарс ўтиларди."

Мактаб мудири бўлиб ишлаган Додил Бозоровни Тошкент вилояти маориф бўлими вилоятнинг Мирзочўл туманига маориф мудири этиб тайинлади. У барча вазифаларни сизидиқлидан бажарар, маориф ва мактаб ишлари яхши тушунадиган, инсон эди.

Умуман, Додил Бозоров республикамизнинг бир қатор вилоятларидаги мактаблар ишлари тўғрисида йўлга қўйишда ибратли фойлият кўрсатди. Шу йилларнинг ҳўжатлари исботлайдики, Додил мактаб ва маориф ишларини ахшилашда Тошкент вилояти, Бухоро, Жиззах, Зомин, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида анча ишлар қилган. Шунингдек, у "Ўзбошқурилиш" трести қошида очилган ҳўжалик ва ҳисоб ишлари бўйича қишлоқ раҳбар қадрлари тайёрловчи махсус курсларда ҳам ижтимоий фанлардан дарс берган. Бу ўқув юртининг ишларини ахшилашда методик томондан ёрдамлар кўрсатган.

Эҳтимол, Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги "Телман" номи 19-ўрта мактабининг илк тарихи ана шундай бошланган.

Иброҳим ОДИЛОВ

Xalqaro hamkorlik

ЭЛЧИНING ЭЪТИРОФИ

Булоқбоши туманидаги 6-мактабда француз тили ўқитишга алоҳида аҳамият берилди. Чунки, мактаб мазкур фан бўйича вилоятдаги таълим масканлардан саналади.

Француз тили чўқур ургатиладиган мактабда яқинда Франция давлатининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Фарғона вилояти умумтаълим мактаблари француз тили ўқитувчилари учун ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

Француз тили муаллимларининг мазкур анжуманини ўтказиш учун Булоқбоши туманидаги мактабнинг танланган боиси бор, албатта. Туманда фаолият кўрсатаётган 31 та мактабнинг 14 тасида француз тили фани киритилган 6, 22, 27-мактабларда эса бу фан чўқурлаштириб ўқитилмоқда. 1994 йилдан 2002 йилга қадар туман француз тили ўқитувчиларининг 6 нафари Франция давлатида бўлиб, малакаларини ошириб қайтганлар. 5 нафар ўқувчи Франциянинг турли олий ўқув юртиларида тахсил ол-

моқдалар. Булардан ташқари, 21-мактабнинг француз тили муаллими Холбек Мадидоров яратган 5-синфлар учун тест синовлари, 27-мактабнинг француз тили муаллими Сойибжон Ёқубовнинг 5-6-синфлар учун ёзган ўқиб китобида республика бўйича фойдаланилади. Муваффақиятлар замирида катта меҳнат мужассам. Уша заҳматли меҳнатлар тўғрисида мактаб жамоаси Франция элчихонаси назарига тушди. Уч кун давом этган семинарда муаллимлар етуқ француз тилшунослари, ўқитувчиларидан дарс давомида янги коммуникатив усуллардан (сўхбат) фойдаланиш, дарс жараёнини ўйин, қизиқарли машғулоти, ашула ва рақслар билан бойитиш, дарсларни эшитиш матнлари орқали утиш каби мавзуларда сўхбат ва мавзулар тингладилар. Шу билан бирга француз тили ўқитувчилари Франция улқашунослиги, санъати, маданияти ҳамда бошқа мавзуларда ҳам қимматли ва қизиқарли маълумотларга эга бўлидилар.

— Биз илгари ҳам ҳўдди шундай семинарлар ташкил этганмиз, — дейди Фран-

ция элчихонасининг таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи маслаҳатчиси Жерар Барбаре. — Аммо Булоқбоши туманида ўтказган семинаримиз энг муваффақиятли ва тингловчиларнинг тула фаоллигида утди, десам янглишмайман.

— Француз мутахассисларидан маъруза тинглаш, улар билан бевосита мулоқот қилиш биз учун жуда фойдали. Таълим самардорлигига эришишда бундай йиғинларнинг урни бекиёс, — дейди Балиқчи туманидаги 19-мактаб француз тили ўқитувчиси Иброҳимжон Дарвишов.

Франция давлатининг Ўзбекистондаги факультети ва мухтор элчиси Жак Андре Костиль жаноблари ўқувчиларнинг француз тилида бийрон-бийрон сузлашишларини, шеър уқийқларни француз тилида қилишмайди-ган қилиб ижро этишларини қуриб, "ўзимни худди Франциядагидек ҳис қилдим", дея таъкидлади. Бу самимий эътироф замирида эса муаллимларнинг машаққатли меҳнати мужассам.

О.СИДИКОВ

ҚАДИМ ШАҲАРДАГИ МУҚАДДАС МАСКАН

Қадим Хива!.. Шу биргина сўз тилга олинганда кўз ўнгимизда доврўги оламга овоза табаррук ва муқаддас маскан намоён бўлади. Хива муҳтарам Юртбошимиз Ислоом Каримов эътироф этган Шарқ гавҳари, дунёвий илм ўчоқларидан биридир. Ўзбек халқининг доврўгини, шон-шўҳратини, ақл-заковатини, матонатини, садоқат ва жасоратини бутун жаҳонга танитган Ал-Хоразмий, Беруний, Маҳмуд аз-Замашарий, Шайх Нажмиддин Кубро, Саййид Алауддин, Пахлавон Маҳмуд, Огаҳий каби аждодларимизнинг бой маънавий мероси бугунги ва келажак авлод умр йўлларини нурафшон этиб, яхшиликка, эзгуликка, гўзаллик ва бунёдкорликка ундаб турибди. Бундай буюк даҳо аллоамларимиздан мерос илм-фан, касбу ҳўнар малакаларини эгаллаган ҳўл эл-юрт хизматига камарбаста бўлмоқ энг олий бахтидир.



"Ўқитувчилар семинарияси" деб ҳам аталган. 1922 йилда ана шу семинария негизини Хива педагогика техникумига асос солинган.

Бу даврда техникумнинг ўқув-моддий базаси ноҳор бўлган. Дарсликлар, ўқув қуроллари, дастурлар етишмовчилиги сезилиб шон-шўҳратини, ақл-заковатини, матонатини, садоқат ва жасоратини бутун жаҳонга танитган Ал-Хоразмий, Беруний, Маҳмуд аз-Замашарий, Шайх Нажмиддин Кубро, Саййид Алауддин, Пахлавон Маҳмуд, Огаҳий каби аждодларимизнинг бой маънавий мероси бугунги ва келажак авлод умр йўлларини нурафшон этиб, яхшиликка, эзгуликка, гўзаллик ва бунёдкорликка ундаб турибди.

Азалдан маърифат маскани

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан яратилган "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" ёшларга, бинобарин, бутун мамлакатимиз аҳлига кўрсатилган ғам-хўрликнинг ёрқин далилидир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Академик лицейлар ва касб-ҳўнар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш тўғриси-

да"ги қарорининг қабул қилиниши мустақил мамлакатимиз авлодлар баркамоллигини ўйлаб, ёшларимизнинг билим ва касб-ҳўнар малакаларини янада пухта эгаллашлари учун кенг имконият яратди. Бу ҳаётбахш қарорга асосан, Хоразм воҳасида халқ ҳўжалигининг турли йўналишларига мослаштирилган касб-ҳўнар коллежлари ташкил қилинди. Янгилари қуриб битказилди. Бизнинг билим даргоҳимиз ҳам педагогик касб-ҳўнар коллежига айлантирилди. Шу муносабат билан катта ҳажмдаги таъмирлаш ва қурилиш ишлари бажарилди.

Бугунги кунда коллеж қадим Хиваимиз ҳўсига ҳўс қўшиб турибди. Билим даргоҳимизнинг тўрт тарафи бог, ҳиёбон. Айниқса, баҳор, ёз фасларида ранг-баранг кейкам "Дорилмуаллим" деб номланган янги мактаб ташкил этилди. Уша даврда бу мактаб

хайкали ўзгача салобат ва тароват бағишлаб турибди. Коллеж биноси ичкариси ҳам юксак эстетик дид билан безатилган.

Ўқув юртимиз коллежга айлан-тирилганлиги муносабати билан ҳамда давр тақозосига қўра қўшимча кадрлар тайёрлаш гуруҳлари очилди. Ҳозирги кунда мактабга тарбия муассасаларида ишлайдиган тарбиячилар ва оила ўқитувчиси, бошланғич синф ўқитувчиси, меҳнат таълими, жисмоний тарбия, мусиқа фани ўқитувчилари, тасвирий санъат ва чизма-чилик бўйича мутахассислар, ҳўқуқшунос-иқтисодчилар, электрон-ҳисоблаш машинаси оператори ва дастурчиси, гид-таржимонлар, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси мутахассисликлари бўйича кадрлар етказиб берилмоқда. Кундузги ва сиртки бўлимларда 2000 га яқин талаба таҳсил олаётди.

Коллежда назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар мавжуд. Талабалар туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабга тарбия муассасаларида, мактабларда, Хоразм Маълим академиясида назарий бўлимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб борадилар. Коллежимиз ДТС, ўқув-режа ва дастурларини таҳрирдан ўтказиш мақсадида ташкил қилинган таҳриб-синов майдони сифатида ҳам қатор ишларни амалга оширди.

Шуни ишонч билан айта оламизки, коллежимизнинг келажаги порлоқ. Яқин келажакда ўқув даргоҳимиз салохияти, нуфузи янада ошади. Қўшимча мутахассисликлар бўйича янги бўлимлар очилиши кўзда тутилган. Малакали ўқитувчилар, фан номзодлари, фан докторлари, профессорларнинг ишга тақлиф этилиши қўйилмоқда. Хамдўстлик мамлакатлари ва хоризждаги турдош ўқув юртилари илгор таҳрибларини ўрганиб, энг самарали иш услубларини фаолиятимизда қўлай бошладик. Компьютерлар, бошқа техник жиҳозлар, замонавий кўргазмали воситаларга эга бўлдик. Тарих музейимизни кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.

Талабаларнинг яшаш, дам олиш, ўқиб шариотлари янада яхшиланаяпти. Янги боглар, гулзорлар яратиш учун катта миқёсда ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу билан муҳтарам Юртбошимизнинг "Коллежлар нафақат билим маскани, балки юртимизга келадиган меҳмонлар ва сайёҳларни олиб бориб кўрсатишга арзийдиган муҳташам ишшоотлар бўлиши лозим!" деган фикрларига амалий ишчимиз билан жавоб берган бўламиз.

Зарифбой ҚўЧҚОРОВ, коллеж директори, Халқ таълими аълоҳиси

БИЗНИ ҲАЁТГА ЙўЛЛАГАН

Мен Хива муаллимлар билим юрти (ҳозирги педагогика касб-ҳўнар коллеж)нинг собиқ талабасиман. Бу ерда ўқитувчи бўлиб ҳам ишладим. Илму фан ривожига қанчалик ҳисса қўша олган бўлсам, барида менга келажак калитини тутқазган, ҳаётга йўллаган мана шу билим даргоҳимнинг ҳиссаси беҳад. Фақат мен эмас, бу табаррук ва муқаддас маскани битирган қанчадан-қанча элдошларимиз улуг мартабаларга эришдилар. Халқимизга садоқат билан хизмат қилиб келаятирлар.

Биз ўқиган даврларда шароит жуда оғир эди. Ҳозир билим юрти талабалари ҳаётини кўриб жуда қувонаман. Ҳўша даврлар билан ҳозирги пайт ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини сезиб, мустақил, ҳўр замонамизга шўр-назалар айтаман. Юртбошимиз айтган доно фикрлар ёдимга келадди: "Фарзандларимиз биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд эканлигидан мамнун бўламан.

Отаназар МАДРАҲИМОВ, филология фанлари доктори, профессор

жуда оғир эди. Ҳозир билим юрти талабалари ҳаётини кўриб жуда қувонаман. Ҳўша даврлар билан ҳозирги пайт ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини сезиб, мустақил, ҳўр замонамизга шўр-назалар айтаман. Юртбошимиз айтган доно фикрлар ёдимга келадди: "Фарзандларимиз биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд эканлигидан мамнун бўламан.

Отаназар МАДРАҲИМОВ, филология фанлари доктори, профессор

УНУТИЛМАС ТАШРИФЛАР



1996 йилнинг 28 ноябрь кўни коллеж тарихи саҳифаларига зарҳал харфлар билан битилди. Шу кўни мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримов Хивага туркман халқининг буюк шоири, ўзбек халқи учун ҳам азиз инсон — Махтумқули Ҳайкалининг очилиши муносабати билан ташрифт буюрди. Унга Туркманистон Республикаси Президентлиги ва Хива вилояти раҳбарларининг бизнинг коллежимизга қадам ранжиди қилиши қалбларимизни тўлқинлантириб юборди.

Коллежда эл-юрт ҳўрмат-эътиборини қозонган таниқли

инсонлар — давлат ва жамоат арбоблари, машҳур ижодкорлар, санъаткорлар, турли касб эгалари билан учрашувлар, кечалар, турли тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган. Бу эса устоз шогирдларга бирдай маънавий қанот бахш этиб, кўтаринки кайфият, завқ-шавақ бағишлайди. Энг муҳими, ташрифт буюрди. Унга Туркманистон Республикаси Президентлиги ва Хива вилояти раҳбарларининг бизнинг коллежимизга қадам ранжиди қилиши қалбларимизни тўлқинлантириб юборди.

Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова, республика



Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, таниқли шоира, публицист Турсунноза Содиқова билан даргоҳи ҳаёти билан танишар эканлар, бу ерда яратилган шароитдан, аҳил жамоа олиб бораётган ишларидан жуда мамнун бўлидилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутаты, Олий Мажлис халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, халқ шоири Эркин Воҳидов, Олий Мажлис депутаты, Олий Мажлиснинг матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутаты, Миллий тикланиш партияси раҳбари, адабиётшунос Иброҳим Фофуровларнинг ташрифи ҳам олам олам қувонч бағишлади. Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов билан учрашув ҳам баҳиссали байрамга айланди.

Таниқли халқ артистлари Закир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Санъат Девонов, Хайрулла Саъдиев, Эргаш Каримов, Роза Каримова, Бахтиёр Иштироқов, Олмадон Хайитова, Ортик Отажонов, истеъдодли шоирлар — Фозил Зоҳид, Омон Матжон, Ошиқ Эркин, Комил Аваз, Қўрбон Муҳаммадризо, Гавҳар Ибодуллова ва ким ижодкорлар билан бўлган учрашувлар коллеж жамоасига ҳўшқин илҳом, юқори кайфият, куч-ғайрат бағишлади.

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг илк куллариданоқ бир ҳўбтий ҳақиқат эътироф этилди: маънавият юксак халқнинг келажаги ёрув. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудрати. Шу маънода ўтган йиллар ичидида барча ўсиш-юксалишлар, таълим-тарбия тарққибети, қўлга килирилган ютуқларни бевосита маънавий тафаккурни бойитишга интилиш билан боглик эканлигини эътироф этиш мумкин. Бу борада истиқлол йилларида, айниқса, ибратли ишлар амалга оширилди. "Маънавият ва маърифат маркази" ташкил қилинди. "Маънавият сабоқлари" дарсларида ота-болаларимиздан мерос бўлиб келаятиган каттага ҳўрмат, кичика исбат, ота-она, устозларни эъзозлаш, табиатни ардоқлаш,

МАЪНАВИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ МЕЗОНИ

Ватанга чекис садоқат каби фазилатларга эга бўлиш ҳақида қимматли тушунчалар, йўл-йўриқлар бериб берилмоқда. Таниқли олимлар, санъаткорлар, ижодкорлар, турли касб эгалари билан бўлаётган учрашувларда маънавиятнинг муҳим жиҳатлари ҳақида фикр юритилди. Баҳс-мунозара кечалари устоз шогирдларнинг маънавий тафаккурини бойитмоқда. "Маънавият ва маърифат" марказида телевизор, радио, вақтли матбуот нашрлари мавжуд. Талабалар бўш пайтларида кўнглини ҳордиқ қиқариб, маънавий дунёқорларини ошириб борадилар.

Ойибби АБДУЛЛАЕВА, Маънавият ва маърифат маркази раҳбари



бўлган қадим Хивада илм олишга, дунёвий билимларини эгаллашга иштиёқ қучли бўлган. Юэлаб масжид-мадрасалар шу эзгу мақсадларга йўналтирилган. Таълим-тарбия жараёнлари йиллар ўтгани сайин янгича йўналишда шаклланиб, бойиб борган. Лекин шарқона таълим йўллари — одоб-ахлоқ мезонлари замонавий билимлар билан ҳамоҳанг ҳолда педагогик фаолиятга кенг таътиқ этила бошлаган. Хивада халқ таълимининг ривожланиши ўзига хос тарихга эга. 1921 йил бошларида "Тоза маҳрам" биносида биринчи университет ташкил қилинди. Бу Хоразмда махсус ўқув юрти очиб борасида ташланган илк қадам эди. Қисқа фурсатдан кейин "Дорилмуаллим" деб номланган янги мактаб ташкил этилди. Уша даврда бу мактаб

да"ги қарорининг қабул қилиниши мустақил мамлакатимиз авлодлар баркамоллигини ўйлаб, ёшларимизнинг билим ва касб-ҳўнар малакаларини янада пухта эгаллашлари учун кенг имконият яратди. Бу ҳаётбахш қарорга асосан, Хоразм воҳасида халқ ҳўжалигининг турли йўналишларига мослаштирилган касб-ҳўнар коллежлари ташкил қилинди. Янгилари қуриб битказилди. Бизнинг билим даргоҳимиз ҳам педагогик касб-ҳўнар коллежига айлантирилди. Шу муносабат билан катта ҳажмдаги таъмирлаш ва қурилиш ишлари бажарилди.

Бугунги кунда коллеж қадим Хиваимиз ҳўсига ҳўс қўшиб турибди. Билим даргоҳимизнинг тўрт тарафи бог, ҳиёбон. Айниқса, баҳор, ёз фасларида ранг-баранг кейкам "Дорилмуаллим" деб номланган янги мактаб ташкил этилди. Уша даврда бу мактаб

ҲАМИША ЁДИМДАСИЗ

Мен дунёга доврўг таратаётган, азалдан машҳур ўлка — Ўзбекистонни ўз кўзим билан қуришга муяссар бўлган бахтли инсонман. Бунга мустақиллик имкон берди. Икки йиллик шартнома асосида Хива педагогика билим юртида талаба-ёшларга инглиз тилидан сабоқ бердим. Сездимки, ёшларнинг бу тилни ўрганишига қизиқиши ва эътибори катта. Мен уларга бу тилдан зўр ҳавас билан машғул ўтказдим.

Узим ҳам улар орасида яшаб, ишлаб, озми-кўпми ўзбек тилида гаплашишни ўрганиб олдим. Хива чиндан ҳам гўзал, бетакорор, қадимий ва навқирон юрт экан. Тарихий бой бу юртда жаҳонга машҳур Ал-Хоразмий, Замаҳшарий, Пахлавон Маҳмуд каби буюк даҳолар туғилган

ЧУНФИРОК ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)



ХАРИТА Географик кроссворд

1	A	Рейн дарёси ирмоғи.
2	A	Гана давлатидаги шаҳар.
3	A	Осиёдаги кўл.
4	A	Африкадаги давлат.
5	A	Латвия пул бирлиги.
6	A	Волга дарёси ирмоғи.
7	A	Шимолий денгиз.
8	A	Африкадаги давлат.
9	A	Чехиядаги дарё.
10	A	Бразилия штати.
11	A	Кениядаги дарё.
12	A	Норильск яқинидаги кўл.
13	A	Япониядаги шаҳар.
14	A	Осиёдаги бўғоз.
15	A	Африкадаги давлат пойтахти.
16	A	Суный дарё.
17	A	Туркманистон пул бирлиги.
18	A	Яриморолдан иборат давлат.
19	A	Ўрта Осиёдаги дарё.
20	A	Филиппиндаги шаҳар.
21	A	Она юрт.
22	A	Куба пойтахти.
23	A	Хиндистондаги шаҳар.
24	A	Икки материкда жойлашган давлат.
25	A	Жанубий Америкадаги давлат.
26	A	Япониядаги шаҳар.
27	A	Атлантика океанидаги ороллар номи.
28	A	Саудия Арабистонидаги шаҳар.
29	A	Йирик давлат (Америка қитъаси).
30	A	Форс кўлтигидаги давлат пойтахти.
31	A	Испаниядаги порт шаҳар.
32	A	Эльба дарёси ирмоғи.
33	A	Арабистон яриморлидаги шаҳар.
34	A	Днепр дарёси ирмоғи.
35	A	Бразилиядаги штат.
36	A	Кюсю оролидаги шаҳар.
37	A	Марказий Америкадаги яриморол.
38	A	Хиндистондаги шаҳар.
39	A	Рюкю ороллари таркибидаги орол.
40	A	Мексикадаги кўл.
41	A	Бразилияга қарашли орол.
42	A	Охота денгизи бўйидаги порт.
43	A	Индонезиядаги шаҳар.
44	A	Лаос Республикасидаги шаҳарча.
45	A	Венесуэла пойтахти.
46	A	Жануби-шарқий Осиёдаги орол.
47	A	Жануби-шарқий Осиёдаги бўғоз.
48	A	Бошқирдистондаги шаҳар.
49	A	Нигериядаги шаҳар.
50	A	Испаниядаги шаҳарча.

Тузувчи: Икболжон АЛИМАТОВ,
Риштон туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси

Маҳмаполвон тўриқни пешонасидаги тумор қаш-қасига ихлос қилиб, тойли-гдайдак қўшни вилоятдаги туркман кадрдонидан кўра-д-кўймай, тортиб олган-дек қилиб сотиб олиб, боз устига алоҳида машина савдо қилиб олиб келган-ди. "Улмас-от бўлар турк-маннинг тойи", деганди ўшанда туркман ошнаси, яхши қаранг, оғайни, на-сиб бўлса, бу шундай бир улоқни от бўлсинки... Ха, сизни қийлмасдан бер-дим. Аслида бу сотадиган той эмас эди".

Тўриқ роса олтига тўлди. Ўтган йил уни авайлашиб фақат "қоқма" кўпқарига солишди, холос. Бўларман от бошдан билинади. Ёмон эмас, "туркманнинг тойи" ёш бўлса-да, мақсад улоқ-ни олиб чиқиб эканлиги-ни тушунади, тўғри улоқ-нинг устига уриб боради. Насиб бўлса, бу йилдан бошлаб у ўзини кўрсата бошлайди...

Маҳмабува "пенсия"га чиқди-ю, ҳамма "катталик"-ларни йиғштириб, қоллар қаторига қўшилди. Соқол кўйди, пенсия тўйида жа-моадоллари совға қилиш-ган саллани бошига ўради, қишлоқ қолларига қўшилиб мачитга мунтазам қатнай бошлади. Бўш қолди де-гунча тўриқ билан андар-мон бўлади. Уни ҳовли ўртасидаги "якка мих"га чиқариб боғлайди. "қашов" қилади, "хаййу-хув" дея қозик атрофида гир айлан-тириб, ўзи ҳам дам олади. У шунга одатланиб қолган, ҳар кунни бир марта шо-шилмасдан тўриқни эгар-жабдуқлайди-да, миниб кўча айланиб келади.

Маҳмаполвон жамоа хўжалигида бригадирлик-дан тортиб қасаба уюшма-си раислигигача, ҳосилот-ликдан тортиб жамоа хўжа-лиги раислигигача бўлган турли-туман раҳбарлик ла-возимларида ҳалол ва пок ишлади. У бировнинг ҳақидан кўриб, нафсига насиҳат бериб ишлади. Бирок, у ҳеч қачон хонадо-нидан битта улоқни отни сира узмади. Бели-ю, би-лагада кучи бор йигитлик йилларида эл ичида ном

ТЎРИҚ

VOQEY NIKOYA

лаб, отхона деворининг та-гига кўмди...

Маҳмабува ўғилларига кўпам ишонавермайди, тўриққа ўзи қарайди. Минг марта айтган билан улар отга берилаётган арпани кўздан кечирмасдан или-шади, ёмни вақтида бер-май, отни "қон" қилиша-ди... Кенжабекка сал-пал ишонса бўлади. Улоқ чо-пишга ҳам укуви бор. Бошқа ўғилларни гапирма-са ҳам бўлавереди. Уларга отни "қашов" қилишдан кўра машинани ювиш маъ-қул...

Инсоннинг энг катта бойлиги унинг саломатли-ги бўларкан. Умр бўйи дард нималигини билма-ган Маҳмаполвон дардга мубтало бўлди-ю, бир ойда бамисоли чўпдек бўлиб озиб кетди. Фарзандлари полвонни кўп олиб чиқи-ди. Бирок нафи бўлмади. Маҳмаполвон ҳаётдан умид-ни узил-кесил узиб қўйди...

Мана бир неча кундир-ки, у тўшаққа михланиб ётибди. Кун сайин, соат сайин полвоннинг аҳоли тобора оғирлашарди. Фарзандлари, қариндош

ва ёру биродарлари унинг ёнидан жилишмайди. Пол-вон кун узунасига кўзлари-ни юмганча жим ётади. Эҳтимол, у ортда қолган умрини хаёлан тиклаб, ши-рин хаёллар суриб ётар. Балки мардона улоқ чо-пан онларини эслаётган-дир. Ким билади, балки бўзани хотирлаётгандир. Балки эртами-индинми ўзи оламдан ўтгач, тўриқ-нинг ҳоли не кечади, дея гам-ташвиш чекаётган-дир...

Хол сўраб келганларга ҳам у фақат бош ирғаб "ха" ёки "йўқ" маъносида эъти-борсиз жавоб беради. Фа-

қат вақти-вақти билан "тўриқнинг сув вақти бўлди", "тўриқнинг ем вақти бўлди", дея ўғли Кен-жабекка эслатиб кўяди.

Бугун тўриқ тўрвадаги ёмни емабди. Нима учун-дир у охура солинган кўк бедага ҳам оғиз урмади. Тўриқ қандайдир безовта, ёр тепинади. Сал туриб бошини қуйи солади. Во ажаб! Унинг кўзларидан ёш оқаяпти.

Кенжабек қўшниси, кек-са чавандоз Ҳазратбува чиқариб келди. Чол тўриқ-ни синчиклаб кўрди-да, бошини ирғади: "Кенжа-бек, биласанми, Аллоаол-ло отларга ҳар бир нарсани олдиндан ҳис қила би-лишдек ноёб бир иқтидор ато этган. Тўриққа ҳеч на-рса керакмас, бирозгина исирик тутатиб юборинг-лар".

Кенга яқин Маҳмаполвон оламдан ўтди. Ҳовлини йиғи-сиги товуши қолпа-ди...

Тўриқ депсиниб-депси-ниб, аламли кишнади. У фарёд солиб йиғлаб-йиғ-лаб кишнади. У охури ёни-да осиб қўйилган Маҳма-полвоннинг эски чакмони-

ни ҳидлаб-ҳидлаб йиғла-ди... Шу кун тўриқдан ҳеч ким хабар олмади. Эрта тонгда Кенжабек ем олиб келди. Тўриқ етмўрвани бошига илдирмади.

Пешин номози олди-дан тобут кўтарилди. Тўриқ ўта безовта кишнади, ўзини чор тарафга урди, ғайрита-бий бир куч билан ипини узиб, отхона деворидан бўйинини чўзиб, тобут ор-тидан кетма-кет кишнади. Ҳазратбува отхонага ки-риб, тўриқни тутиб, унинг пешонасини ҳам меҳр, ҳам қайғу билан силади, чопо-нининг ўнгири билан тўриқнинг кўз ёшларини артди: "Жонивор, вафо-дорликни биз одамлар от-лардан ўрганмоғимиз ке-рак. Тўриқ, иложимиз ке-рач, бандалик экан, соҳи-бинг оламдан ўтди. Яхши одам эди. Ха, дунё шундай яралган. Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмайди. Эртами, индинми кун ўтиб бир кун мен ҳам оламдан ўтаман. Менинг "қора қашқам" ҳам сен сингари бўзлаб қола-ди".

Ҳазратбува тўриқни жойига олиб бориб, ипини улаб боғлади: "Тўриқ, пи-ринг Бобо Қамбар ҳақи, ўлим ҳақ! Чидагин жони-вор!".

Ҳазратбува отхонадан чиқди-ю, лўкиллаганча оломон ортидан қабристон томон шошилди.

Тўриқ уч кун ҳеч нарса емади. Тумор ёздириб ке-лишиб, унинг пешонасига осиди. Маҳмабуванинг эски чопонидан етмўрва тикиб, бошига илтишди.

Ҳозир тўриққа Кенжабек қараяпти. Тўриқ бу йил кўпқариларда ўзини кўрс-ата бошлади. Уни Кенжа-бекнинг ўзи чопаяпти. Сал бурун тўриқ катта кўпқари-да "қора"ни олиб келиб, кўчкор олди. Кенжабек қишлоқ қарияларига кўчқорни сўйиб, шўрва қилиб берди. Маҳмапол-воннинг руҳи-поқларига қурьон тиловат қилдири-ди. Шундан сўнг тўриқнинг омади янада юришиб ке-тди.

Абдували ОБИДДИН

Xullas...

РЕСТОРАНДА... АНТИҚА ТАОМЛАР

Қовурилган қурба-қами? Марҳамат!
Тимсоҳ гўшти со-линган саржўшми?
Иштахангиз карнай бўлсин!

Хаттоки чаён гўшти-дан ҳам нимадир биз-юртма беришингиз мумкин!

Қисқаси, шинаван-даларнинг кети узил-майдиغان бир ресто-ран. У Лондоннинг мар-казида савлат тўкиб ту-рибди. Американинг со-биқ хайвонот боғи директори Тодд Дэлтон дастлаб ишлари юри-шиб кетишига унчалик кўзи етмаган эди. Ҳозир эса хўрандалар-нинг кўпайиб кетганли-гидан шошиб қолиб, буйруқ беришни бас қилиб, ўзи ҳам таом тайёрлашга киришиб кетди. Қўли қўлига те-май тимсоҳ, қурбақа, илонларни нимталаёт-ган Дэлтон азбаройи, уларнинг ҳидига тўйиб қолиб, тановул қилиш-дан бебахра.

Осиё ва Африка мам-лакатларидан Лондонга келаётган сайёҳлар бу қадар мазали таомни ҳеч қандай эмаганлик-ларини таъкидлаб, мамнун бош чайқаш-ди. Дэлтон эса ҳамёни тўлаётганидан хурсанд.

БЎРИЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШГАН ОДАМ

Англиялик Шон Эл-лис миясига келган фикрдан асло чўчиб тушмади. Одамлар ду-нёсини тарқ этиб, хай-вонот оламига ўрганса бўлмасмикан? Ахир, улар тилсиз, аммо ақли билан кишиларни лол қолдириб келадилар-ку?

Учининг ўйи бит-гунча таваққалчининг иши битариш, деган-ларидек, Эллис Дарт-мурт қўриқхонасига йўл олди. Табиатнинг аза-лий ишқибози, қола-верса, зоолог бўлган бу кишини кўриқхонада бўриллар тўдаси илиқ қарши олганига кўпчи-лик ишонмас керак. Лекин бу рост. Бўриллар унга шу қадар ўрганиб қолишдики, ҳаш-паш дегунча ўн йил ўтиб ке-тди. Шундай қилиб, Эл-лис бўриллар тўдабоши-сига айланди. Хайво-ларнинг феъл-атвори-ни ўрганар экан, Шон уларни бир-бирларига душман кўзи билан эмас, балки дўстона нигоҳда қарашларига шараф туғдириди.

Зақ, Зақнесси, Доко-талар жаноб Эллисга сўзсиз эргашдилар. Ёши улғу бу вахшилар Шонни ўзларига энг яқин дўст деб билиша-дики, унга ҳамла қилиш ҳаёлига ҳам кел-майди.

Қизиғи шундаки, бўриллар орасида ўн йилдан бери умр ке-чир-ётган зоолог Шон Эл-лис уларнинг тили ва хатти-харакатларини тушунади. Унинг таъ-кидлашича, бўрилларнинг увиллаши кўшиқ куйлаши, шодланishi экан.

Ҳамкасблари "бўри-боши" деб атаб бошла-ган Шон бўриллар билан ҳарбий машғулотлар олиб боришини ҳеч ким билмайди. Махсус шумлар туфайли ақил жамоа пайдо бўлгани-чи?

Одамзот нималар қилмайди дейсиз.

ана shunaga gaplar

АҚЛИНГИЗГА БАЛЛИ!

Газетамизнинг шу йил 14 август сони 8 саҳифасида "Мантқий топшимоқлар" руқни остида берилган "Ақа-укалар кимлигини биласизми?" жумбои устида роса тортиш-ган Бухоро озиқ-овқат ва эн-ги санаот технологияси ин-ститутини қўшидаги бизнес мак-таби педагогик жамоаси номидан К.Масонов, Н.Зиявидди-новалар тахририятимизга жа-воб йўллашди. Уларнинг жа-воб варианты куйидагича:

"Фикримизча, бу ерда гап тарихда бўлиб ўтган иккита жаҳон уруши ҳақида борапти. Уларнинг иккаласи ҳам Герма-ния давлатидаги айрим доира-лар томонидан келтириб чиқ-арилган. Биринчи жаҳон уруши 1914-18-йиллар орасида давом этган, яъни 4 йил "яшаган". Ик-кинчи жаҳон уруши 1939-45-йиллар мобайнида давом этган, яъни 6 йил "яшаган". Уларнинг "турилган" йиллари ўртасида 25 йил тафовут бор".

Мантқий топшимоқларга тўғри жавоб йўллаган К.Масо-нов ва Н.Зиявиддиноваларга миннатдорчилик билдираемиз! Ақлингизга балли!

Хурматли Ойдин ХАЙДАРОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз ва 50 ёшга туллинигиз муносабати билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз. Сизнинг бундан кейинги ишларингизда зафарлар ва омадлар тилаб қоламиз.

Тошкент вилояти педагогларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти меҳнат жамоаси.

Кo'ngil bitirlari МУҲАББАТ

Этагимни ой нурига тўлдириб, Ширин-ширин хаёлларга чўмдириб, Қалбим ўртаб, юрагимни куйдириб, Киприklarим намлаб кетма, муҳаббат.

Фигонимни устун айлаб осмонга, Орзуларим айлантдириб армонга, Асир этиб бир мақлиқо жононга, Кўзларимни ёшлаб кетма, муҳаббат.

Қалбимдаги очилган гул, чечегим, Қулбоғимга хуш ёқувчи эртагим, Сенга интиқ, интизор бу юрагим, Дилгинамни гашлаб кетма, муҳаббат.

Оқ булутнинг қанотида учайин, Кўк булутда юлдузларни кучайин, Ишқ дардида майли сахро кезайин, Фақат мени ташлаб кетма, муҳаббат.

Наргиза МИРҲАБИБОВА,
Ҳамза туманидаги 155-мактаб ўқитувчиси

ОНА ЖОН

Тонг отмоқда тиник, ғуборсиз, Қалбингиздек тоза, поқдомон. Бу тонг эмас, отаётган Сиз, Шошяясиз ўғлингиз томон — Онажон!

Шошяясиз ўғлингиз томон, Этак-этак ёғдулар сочиб. Мен ҳам сизга Она, шу замон, Интиламан қучоғим очиб — Онажон!

Ёритайсиз сўнгсиз оламни, Зулмат қаърин этиб минг пора. Шуълангиздан чархлабон қалам, Интиламан кўкка тобора — Онажон!

Нур бор жойда бахту-икбол бор, Нур бор жойда иззату-икром. Ҳар ишимда бўлиб мададкор, Этаклайсиз манзилим томон — Онажон!

Ўрол ТУРСУНОВ,
Чирқоқ тумани, Лангар қишлоғи

ЮРТ СОҒИНЧИ

Олтин бешик тебратиб, Турар маликадек она. Тақдирида не кўрса, Айтур фақат шукрона.

Шу боис боши осмон, Қалби тўла гурурдан. Шу боиским доим омон, Кечмайди бу сурурдан.

Сингдим мен, барча кўрган Адоғига, доғига. Эрта туриб бугдой ўрган, Ризқ улашган чоғига.

Шу онадир, нур эмдирган Қанча буюк зотларга. Ибрат бўлур бир кун дебон, Келгуси авлодларга.

Табобатдан бериб илм, Тарбиялаб Синони.

Кўпайганда бевакт ўлим, Сақлади анча жонни.

Алишерни шеърининг Тахтига у ўтқази. Янчиб-янчиб шум ниятнинг Корасини кетқази.

Қадри бандан онажоним, Йўлингиз гул тўшалсин-а. Сенда яшар бор имконим, Орзуларим ушалсин-а.

Шундай экан юрт соғинчи, Куч бағишлар барчага. Шу соғинчини сингирдим, Ушбу шеърини парчага.

Фазилат ХАЙРУЛЛАЕВА, Қизилтепа туманидаги 12-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Ma'rifa!

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан хабарлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир хайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шўкур ЖОНБОВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонови МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Худжар ТҲИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳасан ҚОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-729.

Тиражи 23789 г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табак. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОВЕВ.
Навбатчи: Гофур ЖАБИЕВ.

«Ma'rifa!»-дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳ-сати билан амалда оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими—136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, қасбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими—136-54-03, олий таъ-лим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifa!»-«Mada»kor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Милоҳат ТОШОВА саҳифаллади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмақонани. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00. Топширилди — 20.00